



42
(1464)-son
6-noyabr
2020

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Ўзбекистон электрон тижорат соҳасида истиқболли таклифларни амалга оширишда ҳамкорликка тайёр **2-бет**

ИПАК ЙЎЛИДАН КРЕМНИЙ ВОДИЙСИГАЧА

Мамлакатимиз АКТ салоҳияти муҳомама қилинди **4-бет**

ЗАРОБОТОК

Накую зарплату получают программисты в Узбекистане? **6-бет**

САЛОМАТЛИК

"Бошида коронавирус фақат ўпкани зарарлайди, деб ўйладик. Лекин адашибмиз..." Олий тоифали невропотолог билан суҳбат **8-бет**

БУГУННИНГ ГАПИ

Ёлланма ишчининг ҳам ҳақ-ҳуқуқи бор **9-бет**

МАСЛАХАТ

Смартфон ва ноутбукни тўғри қувватлантинг **16-бет**

Бош вазир маслаҳатчиси: "ВИРТУАЛ ДУНЁ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИНГИЗ ЎЗГАРАДИ"

INTERNATIONAL WEEK OF INNOVATIVE IDEAS

3-8 NOVEMBER ONLINE

innoweek.uz

INNOVATSIYON ISHLARLAR ILMIY-AMALIY MARKAZI

Инновацион ривожланиш вазирлигида "InnoWeek.uz" — Инновацион ғоялар ҳафталиги очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳафталик 3-8 ноябр кунлари илк бор "онлайн" платформа орқали ўтказилмоқда.

➔ БЕШИНЧИ ТАШАББУС

"Рақамли Ўзбекистон-2030": ИШЧИ ГУРУҲ ХОРАЗМДАГИ ҲОЛАТНИ ЎРГАНДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари, Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманларини рақамли трансформация қилиш бўйича ҳудудий кенгаш раиси ўринбосари О.Пекос раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Хоразм вилоятидаги ҳолатни ўрганди.

2020 йилнинг 5 октябрида давлатимиз раҳбари "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонга имзо чекан. Шунингдек, Президентнинг 6 октябрдаги қарори билан жорий йил охирига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида биттадан информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган таянч мактабларни ташкил этиш вазифаси қўйилган.

Юқоридаги фармонга мувофиқ, Хоразм вилоятида рақамли трансформация

бўйича намунавий туманлар сифатида Шовот ва Хонқа белгиланган бўлиб, 2020 йил ҳамда 2021 йил I чораги якунига қадар бу ҳудудларда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ишчи гуруҳ Хонқа туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабида амалга оширилаётган "Электрон кундалик" ахборот тизими, туман марказий поликлиникасида "Электрон поликлиника" ахборот тизими, тумандаги 48-сонли айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати негизда Информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб



ўқитишга ихтисослаштириш таянч мактаби ташкил этилиши ҳамда барпо этилаётган Рақамли технологиялар ўқув маркази бўйича олиб борилаётган ишлар ва бошқа лойиҳалар билан яқиндан танишди.

Вилоятда рақамли трансформация лойиҳаларини амалга ошириш учун масъул раҳбарларга лойиҳаларни жаддаллаштириш юзасидан кўрсатма ва топшириқлар берилди.

КОРОНАВИРУС ЭНГ КўП ҚАЙД ЭТИЛГАН МАМЛАКАТЛАР (ТОП-10) (04.11.2020, 19:00)

1. АҚШ — 9 694 176
2. Хиндистон — 8 316 588
3. Бразилия — 5 567 126
4. Россия — 1 683 454
5. Франция — 1 582 763
6. Испания — 1 331 756
7. Аргентина — 1 195 276
8. Колумбия — 1 099 382
9. Б.Британия — 1 073 882
10. Мексика — 938 405

НАҲОНДА — 48 004 848



Манба: Worldometer

Jumadan
Jumagacha

30 октябр куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда таълим соҳасидаги муаммолар, уларни ҳал этиб, таълим сифатини оширишга оид вазифалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Туркиянинг ғарбий ҳудудларида юз берган табиий офат – кучли zilzila оқибатида инсонлар қурбон бўлгани, кўплаб фуқаролар жароҳат олгани ҳамда катта талафот кўрилгани муносабати билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанга таъзия йўллади. Давлатимиз раҳбари халқ бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик изҳор этиб, жароҳатланганлар тез фурсатларда шифо топишлари тилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Иннинг таъзияси билан 30 октябр куни Сеул шаҳрида видеоконференция шаклида ўтган Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда йил давомида режалаштирилган тадбирлар мужассамлашган лойиҳа муҳокамасига бағишланган учрашув ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Тошкент шаҳрига амалий ташриф билан келган Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири Руслан Казакбаев ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Музокара чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, сув ҳўжалиги ва маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон-Қирғизистон ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва муносабатларни янада ривожлантириш истиқболи муҳокама қилинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Соғлом турмуш тарзини кенг тартибда янги ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Фискал институтни ташкил этиш тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.

Ўзбекистон

электрон тижорат соҳасида истиқболли тақлифларни амалга оширишда ҳамкорликка тайёр

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпиннинг тақлифига биноан 4 ноябр куни Шанхай шаҳрида “СІІЕ-2020” Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросими иштирокчиларига видеоалоқа орқали мурожаат йўллади.



Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ЭКСПОдек йirik тадбирнинг ўтказилаётгани Хитойнинг миллий иқтисодиётни тиклашда эришаётган муваффақиятларидан ҳамда кенг ўламли халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик ниятида зарур эканидан далолат беришини таъкидлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти глобал инкироз шароитида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва худудлараро алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим масалаларига тўхталиб ўтди.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни либераллаштириш, ташқи савдо режими ва экспорт-импорт тартиб-таомилларини соддалаштириш, норматив-ҳуқуқий базани халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, “яшил йўлақлар”ни шакллантириш, Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш, янада қулай инвестиция муҳитини яратиш борасида изчил кўрилаётган чора-тадбирлар қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев транспорт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва Марказий Осиё транспорт-транзит салоҳиятини кенгайтириш муҳим устувор йўналиш бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон минтақавий ва худудлараро алоқаларни мустаҳкамлаш учун кенг истиқболлар очиб бераётган “Бир макон, бир йўл” ташаббусини фаол қўллаб-қувватлаётгани, Марказий Осиё, Буюк ипак йўли даврида бўлганидек, Европа ва Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит йўлақларининг хабига айлланиши мумкинлигига ишонч билдирилди.

Марказий ва Жанубий Осиё темир йўллари тизимларини боғлайдиган янги транспорт йўлак

ларини яратиш борасидаги ташаббус катта аҳамиятга эга экани, бу Евроосиё қитъасидаги қуруқлик транспорти тизимини туташтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари мамлакатимиз Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон янги мултимода транспорт йўлаги бўйлаб темир йўл қуриш лойиҳасини тезлаштириш тарафдори эканини қайд этди.

Бундан ташқари, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида “қуруқликдаги портлар”, логистика ва улгуржи-дистрибуторлик марказларининг интеграциялашган тармоғини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тақлиф этилди.

Ушбу ташаббусларнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиб тақлифи шериклар ва халқаро ташкилотлар томонидан фаол қўллаб-қувватланишига умид билдирилди.

Ўзбекистон саноат кооперациясини фаол ривожлантириш, биринчи навбатда, минерал-ҳомашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш ва экспорт бозорларига чиқиш учун юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги қўшма корхоналар ташкил этишга тайёр экани қайд этилди.

Шу мақсадда саноат кооперацияси бўйича қўшма дастур қабул қилиш ҳамда қўшма инвестиция фондлари, сармояларни кафолатлаш ва суғурталаш каби воситалар ёрдамида икки мамлакат бизнес вакилларини аниқ лойиҳаларни амалга оширишга рағбатлантириш тақлиф этилди.

Давлатимиз раҳбари маросим иштирокчилари эътиборини пандемия шароитида иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнларини тезлаштириш алоҳида долзарб аҳамият касб этганига қаратди.

Шу муносабат билан, Халқаро савдо, божхона расмийлаштируви, транспорт, таълим соҳаларига ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилди.

— Электрон савдо майдончаларидан фойдаланиш ҳисобига савдо ҳажмларини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон электрон тижорат соҳасида истиқболли тақлифларни амалга оширишда ҳамкорликка тайёр, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Президенти пандемия оқибатида келиб чиққан глобал ижтимоий-иқтисодий инкирозни енгиб ўтиш учун икки томонлама ва минтақавий даражада янада яқин мувофиқлашув ва ҳамкорликка ўткир зарурат борлигини таъкидлади.

Ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши, тиббий товарларга эҳтиёжларнинг ортиши, молиявий беқарорлик ва глобал етказиб бериш занжирларининг бузилиши шароитида ҳеч бир мамлакат яққа ҳолда пандемиянинг салбий оқибатларини енгиб ўта олмалиги алоҳида қайд этилди.

Сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев кўргазма иштирокчилари фаолиятига муваффақиятлар тилади ҳамда ЭКСПО якулларни жаҳон савдосини тиклаш ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш жараёнига қўшимча суръат бағишлашига ишонч билдирди.

Маросимда Сербия, Чили, ЖАР Президентлари, Испания ва Покистон ҳукуматлари, қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳам мурожаат йўллади.

Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмаси доирасида 5 ноябр куни Шанхай шаҳрида Ўзбекистон-Хитой бизнес форумини ўтказиб режалаштирилган. Унда Хитойнинг йirik очиб тақлифи шериклар ва халқаро ташкилотлар томонидан фаол қўллаб-қувватланишига умид билдирилди.

Форумда Ўзбекистоннинг инвестициявий, экспорт ва туризм салоҳияти намойиш этилади. Хусусан, Хитой ишбилармон доиралари нефт-газ, тўқимачилик, кимё, электротехника, металлургия, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги ва қурилиш тармоқларида ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликнинг янги имкониятлари билан танишади.

Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистондаги қулай ишбилармонлик муҳити, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида бизнес юритиш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар тўғрисида ҳам маълумот берилиши кўзда тутилган.

«БОШ ВАЗИР МАСЛАХАТЧИСИ: «ВИРТУАЛ ДУНЁ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИНГИЗ ЎЗГАРАДИ»

— "InnoWeek.Uz 2020" инновацион гоғлар ҳафталиги бу йил сизнинг виртуал дунё ҳақидаги тасаввурларингизни ўзгартиради, барчамизни янги гоғларни амалга оширишга илҳомлантиради деб ўйлайман, — деди очилиш маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг маслаҳатчиси, IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи Олимжон Умаров. — Бу йил "Илм-фан, таълим ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" давлат дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатни ривожлантиришнинг бир қатор стратегик муҳим дастурлари, хусусан, "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегияси қабул қилинди. Бу минтақалар ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини рақамли равишда ўзгартиришни назарда тутди. Инновацион гоғлар ҳафталиги доирасидаги таклифларингиз ва фикрларингиз қабул қилинган ушбу дастурларни самарали амалга оширишга ҳисса қўишига аминман.

Шунингдек, тадбирда Кимё бўйича Нобел мукофоти соғирдор, исроиллик машҳур олим Дан Шехтман, "Сколково" жамғармаси раиси Аркадий Двор-

кович, Озарбайжон Республикаси транспорт, коммуникация ва юқори технологиялар вазири жаноб Рамин Гулузаде, Исроил Иқтисодиёт вазири Ибраҳим Инновациялар бўйича бошқармаси раҳбари Ами Аппелбаум, Инновацион зоналар халқаро ассоциациясининг бош ижрочи директори (IASP) Эбба Лунд, Хитой Халқ Республикасининг "Ипак Йўли" юқори ва янги технологиялар зоналари ассоциацияси бош котиби жаноб Чжан Женчжун ҳамда Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов онлайн қатнашиб, барча иштирокчиларни қўлашди.

"InnoWeek.Uz 2020" инновацион гоғлар ҳафталигида 30дан зиёд мамлакат, нуфузли халқаро ташкилот ва компаниялар вакиллари, хусусан Австрия, Буюк Британия, Нидерландия, Италия, Исроил, Россия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг илм-фан ва инновациялар соҳасидаги етакчи мутахассислари қатнашмоқда.

Шу билан бирга, Халқаро инновацион-инвестицион форум, Халқаро инновацион кўргазма, Робототехника бўйича халқаро мусобақа, Осиё-Тинч океани технологиялар трансфери маркази



(ОТТМ) билан ҳамкорликда минтақавий семинар, Халқаро ёшлар инновацион форуми, Европа Иттифоқининг "Европа уфқлари" экспертлари иштирокида вебинар, "Ишланмалар банки" платформаси тақдироти, "Инновацион гоғлар етакчиси" кўкрак нишони билан тақдирлаш ва "Илм-фан ва тараққиёт" мавзусидаги энг яхши публицистик мақолалар танлови ғолибларини тақдирлаш маросимлари ўтказилиши ҳам ўрин олган.

Халқаро инновацион кўргазманинг "онлайн" платформасида 83та стенд бўлиб, шундан 30таси чет эл компаниялариники ҳисобланади.

Халқаро инновацион кўргазманинг "онлайн" платформаси олти блокдан ташкил топган. Унга кўра, А блокдан Инновацион ривожланиш вазирилик ҳамда

унинг тизимдаги ташкилотлари ва мамлакатимизнинг йирик компаниялари стендлари жойлашган. В блокдан ишлаб чиқариш соҳасига мансуб корхона ва ташкилотлар ҳамда С блокдан соғлиқни сақлаш ва сонаот соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар стендлари жой олган.

Шу билан бирга, Олий таълим муассасалари ва Илмий тадқиқот институтларининг стендлари D блок, Ахборот технология ва юқори технологиялар соҳасига оид компанияларнинг стендлари билан эса Е блокда таннишиш мумкин бўлди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Қурилиш ва архитектура ҳамда бошқа соҳаларга тегишли ташкилотларнинг илғор технологияларга асосланган маҳсулот ва хизматлари тўғрисидаги маълумотлар F блокда жамланди.

WI-FI ТЕХНОЛОГИЯСИ

МАЪЛУМОТЛАРИНИ УЗАТИШ ТАРМОҒИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Wi-Fi технологияси асосида кенг полосали маълумотларни узатиш тармоғини ривожлантириш борасида яна бир қўлайлик яратилди. Бу ҳақда АКТ вазирлиги ахборот хизмати хабар бермоқда.

Эндиликда ҳар бир аниқ турдаги маълумотларни узатиш тармоғи радиоэлектрон воситалари, шу жумладан, радиомостлар учун радиочастота спектри фойдаланувчиси томонидан ушбу радиоэлектрон воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида замонвийлаштириш, ишлаб чиқариш, чет элдан олиб кириш ва улардан фойдаланишда Радиочастоталар бўйича республика кенгашининг алоҳида қарорларини расмийлаштирмасдан фойдаланишга рухсат берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси радиочастота органлари билан ўртача 30 кун давомида келишиш жараёнлари такомиллаштирилиб, ушбу муддатни 3 иш кунини ичига амалга ошириш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, Wi-Fi тармоғи радиоэлектрон воситаларининг эффектив изотроп нурланиш қуввати 100 мВтдан ошмаган тақдирда, ҳеч қандай рухсат этувчи ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улардан фойдаланишга рухсат этилди. Бунда бино ичида ва ташқарисида жойлашуви бўйича чекловлар ўрнатилмаган.

Шу ўринда, телекоммуникация тармоқларини жадал ривожлантиришга салбий таъсир этувчи омил-



ларни бартараф этиш, электрон давлат хизматларининг оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши учун зарур инфраструктуранинг яратилиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфраструктурасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 22 майдаги 4329-қарорига мувофиқ, Wi-Fi технологияси асосида кенг полосали маълумотларни узатиш тармоғини ташкил қилиш учун радиоэлектрон воситанинг чиқиш қувватидан қатъи назар 2.4 GGS ва 5 GGS радиочастота диапазонларида эксплуатация йўғим ва радиочастота спектридан фойдаланганлик учун тўлов ундирилмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бу эса, ўз навбатида, Wi-Fi тармоғи радиоэлектрон воситаларидан фойдаланаётган компаниялар ва бу турдаги РЕВни республикамиз ҳудудида олиб кириш ва сотиш билан шуғулланганидан тадбиркорларга жуда катта имкониятлар яратади.

MY.GOV.UZ

ЯГОНА ПОРТАЛ ОРҚАЛИ ДОИМИЙ РЎЙХАТГА КИРИШ ИМКНИ ЯРАТИЛДИ

Инсон ҳаётини сабабларга кўра янги яшаш жойига кўчиб ўтиши ва ҳар сафар доимий рўйхатга кўйиш учун миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига боришига тўғри келади.

Эндиликда фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий рўйхатга олиш учун Ягона порталдаги (my.gov.uz) "Фуқаролик" туркумига ўтсангиз бас.

Мазкур хизмат орқали кўчмас мулк объектига эгалик ҳуқуқи бир шахсга тегишли бўлган объектларга доимий рўйхатга туриш мумкин. Хизматдан қуйидаги тоифадаги фуқаролар фойдаланишлари мумкин:

- 1) Қонун ҳўжатларига мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга.
- 2) Тошкент шаҳрида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар – улар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бошқа манзилга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш масаласи юзасидан муурожаат этган тақдирда.
- 3) Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар – улар Тошкент вилоятида бошқа манзилга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш масаласи юзасидан муурожаат этган тақдирда.

Хизмат автоматлаштирилган ва 1 иш кунини тақдим этилади. Хизматни тақдим этиш нархи – БҲМнинг 2 фоизи, Ягона портал орқали хизмат қўрсатилганда эса дастлабки нархдан 10 фоиз арзондир.

ЭНДИ MY.GOV.UZ ОРҚАЛИ ШИФОКОР ҚАБУЛИГА ЁЗИЛИШ МУМКИН

Одамлар соғлиқлари ҳақида қайғуриб, шифокор қабулига ёзилишда бир қатор муаммоларга дуч келадилар. Мисол сифатида узун навбат ҳолатларини кўрсатишимиз мумкин. Бу эса беморлар соғлиғига янада салбий таъсир қилиши мумкин.

Эндиликда шу каби муаммолар юзага келмаслиги учун Соғлиқни сақлаш вазирилик ва my.gov.uz жамоаси томонидан ягона порталда онлайн тарзда шифокор қабулига ёзилиш хизмати жорий этилди.

Бунинг учун my.gov.uz порталидаги "Соғлиқни сақлаш" туркумидаги "Шифокор қабулига ёзилиш" хизматини танлаб, керакли шифохона шифокори қабулига онлайн тарзда ёзилинг.

Хизмат автоматлаштирилган ва қисқа муддат ичида тақдим этилади.



4 ҲАМКОРЛИК

ИПАК ЙЎЛИДАН КРЕМНИЙ ВОДИЙСИГАЧА

Мамлакатимиз АКТ салоҳияти муҳокама қилинди

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташаббуси билан "Ипак йўлидан Кремний водийсигача. Ўзбекистон IT-соҳасининг имкониятлари" онлайн-конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Германия ахборот-коммуникация технологиялари компания ва ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳокама қилинди.



Инглиз тилида ўтказилган онлайн-анжуманда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори С.Бабаходжаев, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича

проректор К.Ташев, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Ж.Султоновлар ҳам қатнашди.

Шунингдек, Германия иқтисодийнинг шарқий қўмитаси ижрочи дирек-


тори Михаил Хармс, Brand IT Volkswagen компаниясининг Рақамли ва сотишдан кейинги интеграция бўлими бошлиғи Френк Ҳок, Cloud & Heat Technologies GmbH катта ҳамкорлик менежери Лу-

кас Дрю ҳамда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги, Германиядаги Ўзбекистон элчихонаси, IT-Park, IT Centers, IT Academy вакиллари иштирок этишди.

КЕЛАЖАК НИҲОЛЛАРИ

HUAWEI ТАЛАБАЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ БОШЛАДИ

Huawei компанияси Seeds for the Future – "Келажак ниҳоллари" таълим лойиҳасининг очилиш маросимини ўтказди ва унда Ўзбекистондаги таълим муассасалари ва АКТ соҳасидаги етакчи ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.



Huawei компанияси олти йилдан буён ҳар йили Ўзбекистонда Seeds for the Future лойиҳасини амалга ошириб келмоқда, унинг доирасида ТАТУнинг 50 нафар талабаси ўтган йиллар давомида компаниянинг Хитойдаги штаб-квартирасида амалиёт ўтади. Дастурда бутун дунёдаги 500дан ортиқ университетлардан жами 30000 нафар талаба иштирок этди ва унинг доирасида умумий ҳисобда 5770 нафар энг яхши талаба Хитойга боришга муваффақ бўлди.

Бутун дунёда пандемия туфайли юзга келган ҳозирги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, бу йил "Келажак ниҳоллари" лойиҳаси онлайн тарзда ўтказилмоқда, аммо бу унинг қиймати ва ахборот мазмунини мутлақо камайтирмайди. Айни вақтда Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент шаҳридаги ИНХА университети ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган ахборот-коммуникация технологиялари мактабидан танлаб олинган 30 нафар талаба лойиҳа бўйича ўқини бошламоқда.

Ўзбекистондан борган иштирокчилар Таиланд ва Камбоджа талабалари билан биргаликда беш кун давомида 5G тех-

нологиялари, булутли ҳисоблаш, сунъий интеллект, ҲМС бўйича чуқурлаштирилган курсларда қатнашишлари, шунингдек, Huawei компаниясининг Хитойдаги штаб-квартираси ва базалари бўйлаб виртуал саёхатларни амалга оширишлари мумкин. Талабалар, шунингдек, ХХР маданияти ва анъаналари билан ҳам танишдилар.

Талабалар юқори даражадаги интерфаолликни таъминлаш мақсадида Huawei компаниясининг штаб-квартираси ва минтақавий офисларида фаолият юритаётган мутахассислар томонидан ўтказилган онлайн маърузаларга таклиф қилинишиди.

– Биз лойиҳамизда иштирок этаётган талабалар ва бўлажак ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларига: Лойиҳамизга хуш келибсиз! деймиз. Пандемия ҳолатига қарамай лойиҳа тўхтатилмади ва барча муассасалардаги ўқув жараёнларида бўлгани каби онлайн тартибга ўтди. Бугунги кунда биз рақамли технологиялар ёрдами билан ўқувчилар ва ўқитувчилар қаерда бўлишидан қатъи назар, уларнинг барчаси таълим олишлари мумкинлигини, бу дегани, янада

кўпроқ иқтидорли ёшлар билим олишининг, шу жумладан, АКТ соҳасида билим олишнинг чексиз имкониятига эга бўлишлари мумкинлигини намойиш этмоқдамиз, – дея таъкидлади Huawei компаниясининг Ўзбекистондаги директори жаноб Лю Сэсин.

Huawei компаниясининг медиа-студиясида олиб борилган онлайн очилиш маросимида АКТ соҳасига тааллуқли таълим даргоҳлари раҳбарлари ва соҳа мутахассислари иштирок этиб, дастур иштирокчиларини қўллаб-қувватлаб, келажак ниҳолларига муваффақият тилادилар. Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари Қахрамон Юлдашев, ТАТУ ректори Сарвар Бабаходжаев ва проректори Хайрулла Умаров, Ал-Хоразмий номидаги махсус IT-мактаб директори ўринбосари Севара Шокирова иштирок этишди.

– Компания Ўзбекистонда олиб борётган 20 йиллик фаолияти давомида ўзини ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида намоён қилди. Айни пайтда мамлакат АКТ соҳасига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Мен Huawei компанияси Хитойдаги бош-қароргоҳида жойлашган тренинг марказлари ёрдамида бутун дунёдан талабаларни жамлаб, инновацион технологияларни чуқур ўрганишга қаратган саъй-ҳаракатидан жуда хурсандман, – деди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари Қахрамон Юлдашев.

Seeds for the Future лойиҳаси бўлғуси АКТ мутахассислари учун нафақат кенгроқ билим олиш имконини беради, балки уларга университетни тамомлагандан сўнг худди 2018 ва 2019 йилги дастурларнинг битирувчилари каби Ўзбекистондаги Huawei компаниясида амалиёт ўташ имкониятини тақдим этиш билан уларнинг келгусидаги муваффақиятларига катта йўл очиб беради. Хусусан, ўтган йиллардаги битирувчилар орасидан баъзилари аллақачон Ўзбекистондаги Huawei компаниясининг ходимларига айлиниб улгуришган ва бу билан рақамли Ўзбекистоннинг ривожига ўз ҳиссасини қўшишда давом этмоқдалар.

УЧИНЧИ ТАШАББУС

2020 йил 4 ноябр куни Фарғона вилоятининг Сўх туманида жойлашган Маданият маркази биносида Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди.

Сўхда Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди

Карантин талабларига риоя этилган ҳолда ташкиллаштирилган очилиш маросимида АКТ вазирлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси, Сўх туман ҳокимлиги раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек, кенг жамоатчилик, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги ташкилотлар вакиллари ҳамда туман ёшлари иштирок этди.

Марказ замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланган, унда йилига Сўх туманининг 1200 нафарга яқин ёшларига ахборот-коммуникация технологиялари, дастурлаш, робототехника асослари, замонавий рақамли технологияларни ўргатиш ҳамда бу соҳада мутахассисларни тайёрлаш мақсад қилиб белгиланди.



ЭНГ ЯХШИ МУКОФОТ

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Фаргона филиали уч нафар ходими – Фаргона шаҳар почта боғламаси бошлиғи ўринбосари Жасурбек Мамажонов, Кува почта алоқаси боғламаси бошлиғи Алишержон Абдулҳакимов, Бағдод туман почта алоқаси боғламаси бошлиғи Шуҳратжон Қамбаров ва Қўштепа туман почта алоқаси боғламаси ҳисобчиси Абдувоҳид Мусоевлар Тошкент ахборот технологиялари университетининг почта, ахборот технологиялари йўналишларида сиртдан таҳсил олмақдалар.



Иккинчидан, почта алоқаси учун мобил илова ишлаб чиқиб, хизматларнинг онлайн имкониятларини тезроқ йўлга қўйиш талаб этилмоқдаки, бу мобил тизим хизматларидан фойдаланувчиларни кескин кўпайтиришига ишончим комил. Учунчи таклифим шундан иборатки, ҳозирги кунда ҳақиқатда тизимнинг муаммоларидан бири – пул ўтказмалари тўланишининг тезкорлигини амалда таъминлашдир. Агарда пул ўтказмалари тўлашда “келиб тушди-тўланди” тизими қўллansa, кўчадаги таксилардан бериб юборилаётган нақд пуллар ҳар томондан ишончли бўлган почта алоқаси корхоналарига жалб этилаётган бўлади.

Тошлоқ туман почта боғламаси бошлиғи Уктамжон Холматов шу йўналиш очилганида ўқишга кирган эди. У яқинда дипломини қўлга олди. Қувасой почта боғламаси бошлиғи Илҳомжон Абдуллаевнинг ҳам сиртдан таҳсил олишдек орзуси бу йил амалга ошди. У ТАТУ Фаргона филиали талабаси бўлди. Қувончли жиҳати шундаки, уларнинг шартнома маблаглари “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан тўланмоқда. Узоқни кўзлаб ажратилаётган сармоя ўз мевасини беради – почта сардоридан соҳага айланади, албатта. Шундай гамхўрликка муносиб кўрилганларнинг билими-руҳиятлари ва соҳадаги тажрибалари қанчалар эканлигини билгим келди. Уларнинг бирига – Қўштепа туман почта боғламаси ҳисобчиси Абдувоҳиджон МУСАЕВга қўнғироқ қилдим. Сўхбатдан сездимки, унинг иқтидорини ва савиясини сарфлашга жуда-жуда арзийди.

ка фани олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Муслима ҳам мактаб ўқувчиси. У ҳам ўқитувчи бўлмоқчи.

Қаҳрамонимиз ҳамма фанлардан мактабда аъло баҳоларга ўқиган. Айниқса, математика ва ойназонисининг фани – она тили ва адабиёт унинг жону дили бўлган. Математика ўқитувчиси Абдуғани Ҳакимов “Математика – фанларнинг шоҳи. Менинг фанимдан билимларнинг улғайганларингда ҳар кун, ҳар онда керак бўлади”, дегувчи эди. Аниқ фанларга бўлган иқтидори уни Марғилон тижорат техникумига (Собиқ Марғилон план-иктисод техникуми рейтингини жуда баландлиги билан машҳур бўлган) бошлаб келди. У ўқув юртини имтиёзли тугаллагач, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фаргона филиалида турли масъулиятли лавозимларда ишлади. Қўштепа туман боғламаси ҳисобчиси вазифасида ишлаётганига ҳам уч йилдан ошиб қолди. У ўсиб-унган оилавий муҳит қизиқишлари, интеллектда акс этди. Сўхбатдошимиз почтачилик тажрибаси ва қобилиятдан “сўзлади”.

– Кейинги йилларда соҳа қийинчиликлари оғриқли бўлди. Сизда қандай кечди? 15 йиллик мутахассис сифатида нима дея оласиз?

– Нима демоқчилигинингизни тушундим. Очиғи, сардоромад соҳани излаб кетганлар оз бўлса-да, учради. Лекин мен ҳаммасига дош бериш, охиригача почтачи бўлиб қолишдек аҳдимда содиқ турдим. Давр паст-баландликларини ҳамкасбларим билан ҳамнафас ҳолда бирга-бирга кўриб келяпман. Тан оламан, осон бўлмади. Бироқ мен кўплар қатори 2017 йилдаги пенсия ва нафақаларни тўлаш “Халқ банки” зиммасига юклатилишига фожиадай қарамадим. Асло. Бу чора аслида

почтанинг ўз бизнес йўналишларини топиб олишига йўللар очди. Бинобарин, пенсия ва нафақаларни тўлаш почта алоқаси тизими даромадининг 70-80 фоизини ташкил этарди. Хизматлар кўрсатиш даражаси бўлса, иккиламчига тушиб қолган эди. Одамлар ҳам почта деганда фақат пенсия ва нафақа тарқатувчи корхонани тушунадиган бўлиб қолишгандан афсусландик. 2017 йил 1 июлдан кейин почта алоқаси соҳаси анча уринишлар билан ўз хизматларини кўпайтиришга эришди. Аҳолининг почтага нисбатан бўлган муносабати ўзгариб, азалий ишонч тикланди. Почта алоқаси Низомини тез-тез қўлга олиб, таҳлиллар қилиб, хулосалар ясайман ва почта тизимини чиндан ҳам даромадли соҳага айлантириш мумкинлигини англаб етаман.

– Ҳўш, бунинг учун нималар қилиш даркор деб ҳисоблайсиз?

– Бунинг учун, аввало, ишни тўғри ташкил этиш шарт. Менимча, қуйидагиларга ҳам эътибор бериш керак: Биринчидан, тизимда ходимлар салоҳиятини, малакасини ошириш ҳақида қайғуриш лозим. Уларнинг фикрлашини, яъни тафаккурини ривожлантириб, рақобатбардош иш ўринлари яратиш, шак-шубҳасиз, почтанинг обрўсига обрў қўшади. Буни бир ҳаза ҳам унутмаслигимиз жоиз.

– Соҳадаги маркетинг хизматлари шахсан сизни қониқтирадими?

– Таассуфларким, мен маркетинг мутахассиси эмасман. Лекин мен ҳам сиз каби бу ҳақда кўп ўйлайман. Ҳа, биз чиндан ҳам замонавий маркетинг сиёсатини юргизиш ишлари билан мақтана олаймиз. Бу аини ҳақиқат. Бу оқсоқликка ҳам, менимча, барҳам бериш вақти етди. Ҳар бир корхонада бўлгани каби маркетинг почта тизимида ҳам бўлиши жуда муҳим. Борзори узлуксиз ўрганиб бориш, аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳудудга мос хизматларни тўхтовсиз кiritиш (худди мобил алоқа корхоналаридаги сингари) билангина почта тизимини сардоромад соҳага айлантира оламиз.

Сўхбатимиз якунида Абдувоҳиджон, олий таълим олиши учун амалий ёрдам кўрсатаётган “Ўзбекистон почтаси” АЖ ҳамда филиал раҳбариятига, Расул Қамбаров, Муродил Махмудов, Исмоил Отажонов каби устозларига чексиз миннатдорлигини етказишимни сўради. “Ҳаётимдаги бу энг олий мукофотни, олий таълим олишдек тенгсиз неъматни раво кўрганлардан ўла-ўлғунимча қарздорман. Юксак ишонч ва беминнат яхшиликни сиз қилди хизматларим билан оқлашга ҳаракат қиламан”.

Бу эъзулик йўлидаги хизматларида Абдувоҳиджон Мусоевга улкан зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фаргона вилоятидаги мухбири

ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА

ПОЧТАЧИЛАР ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамиятида почта алоқаси объектларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан видеоконференцалоқа орқали йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси вакиллари ҳамда жамиятнинг марказий аппарати ва худудий филиаллари масъул ходимлари иштирок этди. Унда “Ўзкомназорат” томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари ҳамда почта алоқаси объектларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.



ICISCT 2020

ТАТУДА ХАЛҚАРО ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

Халқаро электроника ва электротехника муҳандислари институти (IEEE) билан ҳамкорликда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида ва унинг Самарқанд филиалида 4-6 ноябр кунлари International Conference on Information Science and Communications Technologies – ICISCT 2020 халқаро илмий-техник онлайн конференцияси бўлиб ўтди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари ва татбиқига бағишланган мазкур конференцияда АҚШ, Канада, Саудия Арабистони, Корея, Ҳиндистон, Малайзия, Хитой каби дунёнинг 20дан ортиқ мамлакатларидан илгор олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказларининг етакчи олимлари, тадқиқотчи ва изланувчилари иштирок этди. Унда ахборот-комму-

никация технологиялари соҳасида илмий иш олиб бораётган олимлар ва изланувчиларнинг тадқиқот натижалари муҳокама қилинди, келгуси тадқиқотлар йўналишларини белгилаш бўйича фикрлар алмашилди.

Конференция 5 ноябр кунини тадқиқот йўналишлари бўйича ташкил этилган шуъбаларда ўз ишини давом эттирди. Бугун эса дастур доирасида хорижий профессорлар томонидан ТАТУ ва унинг филиаллари ёш олимлари, магистрант ва докторантларига замонавий технологиялар ва улар устида тадқиқотлар бўйича семинар-тренинглар ўтказилди.

Ушбу онлайн конференцияда кўтарилган масалалар ахборот-коммуникация соҳасида вужудга келаётган муҳим масалаларни ечишда, илгор технологияларни жамиятимизга татбиқ этилиши ҳамда мутахассислар ўртасида билим ва тажриба алмашиши учун катта тажриба майдончаси бўлди.

КАКУЮ ЗАРПЛАТУ ПОЛУЧАЮТ ПРОГРАММИСТЫ В УЗБЕКИСТАНЕ?

Чтобы твоя компания не отставала от компании твоего «соседа», который уже как неделю назад запустил свой собственный сайт, мобильное приложение и даже нарисовал маску своей компании в Инстаграме, нужно иметь при себе как минимум одного хорошего разработчика в команде, который сможет обогнать проект «соседа» и других конкурентов.

Тут на помощь приходят программисты и если эти программисты знают толк в своем деле, то попросят за свою работу немало. И это совсем не потому, что они обнаглели, а потому, что они «парочку» часов в день сидения за компьютером хотя бы минимум \$1 000 в месяц, а потому, что программирование — это очень кропотливая работа, требующая за собой большой концентрации внимания, усидчивости, дисциплины, трудолюбия и множество других как профессиональных, так и личностных качеств. Но сколько же тогда получает программист на рынке труда?

«Зарплаты разработчиков, по моим ожиданиям, еще десяток лет будут превышать средние зарплаты на рынке. В Узбекистане это, в моем окружении — от 400 до 800\$ для тех, кто только несколько лет в индустрии, и порядка \$1 200-\$2 000 у тех, кто имеет зарекомендованный опыт в своей области.

Если говорить про глобальный рынок, то, например, недавно знакомый искал лида Frontend-разработкой для удаленной работы с минимальным окладом \$6 000 в месяц, искали несколько недель. Несколько моих знакомых фронтендеров из Узбекистана не заинтересовались этим предложением — видимо они получают уже достаточно и при этом работают в комфортных для себя условиях», — сказал технический директор и соучредитель компании ООО «MODME» Руслан Юлдашев.

Вопрос зарплаты интересует всех, кто когда-либо задумывался стать программистом. На самом деле зарплата программиста варьируется и зависит от того, какой опыт имеет специалист. Логично, чем опытнее IT-специалист, тем выше у него зарплата. Например, обычный разработчик может зарабатывать от \$500-\$900 и выше. Но если у него достаточно опыта в разработке, то его зарплата может достигать \$2 000+ в месяц.

«Все начинающие программисты без опыта работы с реальными проектами сразу хотят иметь большую зарплату, но это практически невозможно. В среднем, начинающий программист с нормальными знаниями может получать в районе 200-300\$ и это бу-


дет для него даже очень хорошо, если ему будут платить такие деньги без опыта работы.

Программисты с опытом работы от 2+ лет с реальными проектами могут уже получать зарплату от 1 000\$ и выше, все индивидуально и зависит от навыков в разработке и компании, в которой он работает. Ну и соответственно, программисты с большим опытом работы могут получать очень даже хорошие деньги.

Но также, помимо основной работы любой программист может выполнять сторонние заказы, работая на так называемом фрилансе, тем самым, увеличивая свой заработок», — отметил главный разработчик и менеджер веб-проектов IT-Park, Максим Стифеев.

На местном рынке зарплата Frontend, Backend-разработчика, PHP-программиста в среднем может составлять от 8-10 до 20-30 млн. сум, 1С программиста — от 3 до 20 млн. сум, Fullstack-разработчика от 10-15 до 20-30 млн. сум. Как видите, суммы варьируются. Опять же, все зависит от опыта, объема работы и компании, в которую ты устраиваешься. Специальность здесь играет не самую важную роль.

В случае, если программист начинающий и у него мало опыта в этом, то зарплата может составлять совсем символические суммы. Но по наращиванию опыта и знаний, зарплата может расти как на дрожжах. В среднем, опытные разработчики в Узбекистане получают около \$1 000-\$1 500+ в месяц.



нием — видимо они получают уже достаточно и при этом работают в комфортных для себя условиях», — сказал технический директор и соучредитель компании ООО «MODME» Руслан Юлдашев.

Вопрос зарплаты интересует всех, кто когда-либо задумывался стать программистом. На самом деле зарплата программиста варьируется и зависит от того, какой опыт имеет специалист. Логично, чем опытнее IT-специалист, тем выше у него зарплата. Например, обычный разработчик может зарабатывать от \$500-\$900 и выше. Но если у него достаточно опыта в разработке, то его зарплата может достигать \$2 000+ в месяц.

«Все начинающие программисты без опыта работы с реальными проектами сразу хотят иметь большую зарплату, но это практически невозможно. В среднем, начинающий программист с нормальными знаниями может получать в районе 200-300\$ и это бу-

ЗАПУЩЕН TELEGRAM-БОТ ДЛЯ СРАВНЕНИЯ ЦЕН НА ЛЕКАРСТВА

С 1 июля в стране поэтапно вводится новая система регулирования цен на лекарства.

Для определения референтной цены одного препарата будет учитываться его отпускная стоимость (то есть цена, по которой производитель продает лекарство дистрибьютеру) в 10 странах с высоким, выше среднего и ниже среднего уровнями доходов на душу населения.

В перечень референтных стран вошли Россия, Украина, Польша, Венгрия, Таджикистан, Казахстан, Словения, Болгария, Кыргызстан и Беларусь.

Учитывая недовольство потребителей на необоснованное повышение цен на медикаменты, особенно на иммуномодулирующие и противовирусные препараты, пользующиеся особой популярностью с связи с пандемией, Агентство по защите прав потребителей разработало специальный Telegram-бот. Об этом сообщила пресс-служба ведомства.

С его помощью потребители могут узнать и сравнить цены на лекарства в аптеках города или региона.

Как отметили в агентстве, при выявлении разницы в ценах на лекарственные средства потребители могут обратиться в ведомство с жалобой. Сегодня получено 500 таких обращений. При этом Агентство и его территориальные подразделения имеют право проводить проверки в аптеке, указанной в обращении потребителя и принимать соответствующие меры по выявленным нарушениям.

«Нарушение порядка ценообразования на лекарства и медицинские изделия является основанием для приостановления действия лицензии», — напомнили в Агентстве.



Дори нарх назороти бот



@dori_narh_bot

FAQ

https://docs.ru/telegram

uz https://docs.ru/faq

@dori_narh_bot

www.sotvzami.uz

© 2020-2021

ПОИСК ЛЕКАРСТВА

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ПОИСК

ЭЛЕКТРОННЫЙ ПЛАТЕЖ

«PAYPAL САМ ОГРАНИЧИЛ СВОЮ РАБОТУ В УЗБЕКИСТАНЕ» — ЦБ

Узбекистан остается единственной страной в Центральной Азии, где нет PayPal. Это потому, что компания сама ограничила свою работу в стране, сообщили в Центральном банке.

Сейчас в системе нет возможности привязать к аккаунту выпущенные на территории страны карты, хотя Узбекистана нет в «черном списке» компании.

«Это ограничение компания установила самостоятельно, без согласования или обсуждения с местными государственными органами или организациями», — говорится в сообщении ЦБ.

Помимо этого, во исполнение поручения президента от 14 мая 2018 года, Министерство инвестиций и внешней торговли провело предварительные переговоры с PayPal, в ходе которых выяснилось, что компания не планирует запускаться в Узбекистане.


В ЦБ обратили внимание на то, что в стране работают системы вроде WebMoney и QIWI — к ним можно привязать выпущенные в Узбекистане карты Visa, Mastercard, UnionPay или «МИР». Таким образом, со стороны Узбекистана препятствий нет.

Что касается PayPal, то регулятор не может отменить установленные компанией ограничения административными методами.

«Как только PayPal захочет открыть представительство в Узбекистане и начать проводить платежи в национальной валюте, суме (как компания сделала это в России, учредив ООО НКО «ПейПал РУ»), то ей, согласно законодательству, необходимо будет получить лицензию у Центрального банка», — говорится в сообщении ЦБ.



ИНТЕРНЕТ



СКОЛЬКО АБОНЕНТОВ В УЗБЕКИСТАНЕ ПОДКЛЮЧЕНО К СЕТИ ИНТЕРНЕТ

По состоянию на 1 января 2020 года количество абонентов, подключенных к сети Интернет, составило 16 386,2 тыс.

По сравнению с соответствующим периодом 2019 года, это количество увеличилось на 23,0% или 3 064,5 тыс. В частности, среди населения имеется 15 750,8 тыс. абонентов, что на 22,3% или на 2 867,5 тыс. больше, чем в прошлом году.

По сравнению с другими регионами наибольшее количество абонентов, подключенных к сети Интернет, отмечено в городе Ташкенте — 3 550,6 тыс., а наименьшее — в Сырдарьинской области — 441,4 тыс.

ТРАНСПОРТ

PAYME ТЕСТИРУЕТ БЕСКОНТАКТНУЮ ОПЛАТУ ПРОЕЗДА В МЕТРО

На станции «Абдулла Кодирий» столичного метрополитена Payme совместно с АТТО тестирует оплату проезда при помощи сервиса Payme Go.

В ближайшее время будут обновлены турникеты и на других станциях метро. Это позволит пассажирам производить бесконтактную оплату при помощи смартфона. Для этого необходимо в приложении Payme открыть сервис Payme GO, мобильное устройство сгенерирует QR-код, рассчитанный на один платеж.

Далее пассажир должен подвести экран телефона к валидатору. Сумма автоматически снимется с пластиковой карты и пользователь получает SMS-уведомление об успешной оплате.

«Payme GO работает в офлайн-режиме, поэтому у пользователей не будет проблем с оплатой при отсутствии интернета», — отметила финансовый директор Payme Анна Ким.

Как ранее писал Spot, в метрополитене Ташкента с лета 2019 года имеется возможность бесконтактной оплаты проезда банковскими картами HUMO, а с 1 ноября столичная подземка перешла не безналичную оплату через единую транспортную карту (жетоны принимаются до конца года).



Юртимиздаги фаол ёшлар билан интервьюларни давом эттирамиз. Навбатдаги суҳбатдошимиз фрилансерлик ортидан ойига 7000 АҚШ долларигача даромад топаётган ёш дастурчи Сардор ИСЛОМОВ бўлди.

23 ЁШЛИ ФРИЛАНСЕР: “ОЙИГА 7000 АҚШ ДОЛЛАРИГАЧА ДАРОМАД ТОПЯПМАН!..”

Хозирги кунда Рауме компаниясида мобил дастурчи сифатида фаолият кўрсатаётган Сардор билан суҳбатимиз IT-соҳасига қизиқиши, фрилансерлик, ёш дастурчиларга тавсиялари ва шу каби бошқа мавзуларда кечди.

– Сардор IT-соҳасини талашингизга айнан нималар сабаб бўлган?

– Очиги, болалигимда машина конструктори бўлишни орзу қилганман. Яъни, улғайиб General Motors Uzbekistan компаниясида етакчи муҳандис сифатида ишлайман, деб ўйлардим. Шу боисдан мактабни тамомлаб, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қошидаги академик лицейга ўқишга кирдим ва у ерда математика, физика фанлари ҳамда инглиз тилини чуқур ўргана бошладим. Лицей давридаги уч йиллик ҳаракатларим ўз самарасини кўрсатиб, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига грант асосида қабул қилиндим. Бироқ ўша йили яқин дўстим Тошкентдаги ИНҲА университети ҳақида анча илқ фикрларни айтиб қолди. У университет қошидаги ўқув марказида тахсил олар эди. Унинг ўқиш муҳити, профессор-ўқитувчиларнинг дарс ўтиш методи тўғрисидаги гаплари мени ҳам қизиқтириб қўйди.

Ўша пайт университетда ташкил қилинган Google I/O 2015 конференциясида иштирок этиб, дўстимнинг гаплари тўғри эканлигига амин бўлдим. Шундан сўнг, мазкур таълим даргоҳига ўқишга киришга ва ўз ҳаётимни IT-соҳаси билан боғлашга қарор қилдим.

2019 йили ИНҲА университетининг дастурий инжиниринг йўналишини тамомладим. Ҳозирги кунда Рауме компаниясида мобил дастурчи сифатида ишлаб келяпман.

– Фрилансерлик фаолияти қачондан бошлаган?

– Фрилансерлик фаолиятим бакалавр давридан бошланган. Ўша вақтлари университетдаги бир дўстим бу яхши соҳа эканлиги ва қандай қилиб фрилансер бўлиш ҳамда қарердан лойиҳалар олишни ўргатган. У кўпинча руслар билан ишларди ва бошида менга ўзининг мижозларидан бир нечасини берди.



Шундай қилиб, катта-кичик дастурий лойиҳалар қила бошладим.

Бошланишида бироз қийналдим, лекин машаққатсиз натижага эришолмаслигимни тўғри тушунганман. Секин-аста катта лойиҳаларни ҳам муваффақиятли якунлашни ўргандим. Кейин ўзимга савол бердим: қандай қилиб, Европа, АҚШдаги мижозлар билан ишласам бўлади? Буни унда далай оламанми? Сабаби уларда жуда кўп қизиқ лойиҳалар бор бўлиб, бажариш эвазига яхшигина ҳақ тўлашади.

Кейинроқ, Toptal, Fiverr, Upwork ва Stringfix каби платформаларидан лойиҳалар ола бошладим. Мазкур платформалардан ойига 5000 АҚШ долларидан 7000 АҚШ долларигача даромад топяпман.

– Фрилансерликнинг ўзи нима эканлигини кўплар билмавермайдми. Сизнингча, бунда нимани тушуниш керак?

– Уйлашимча, барча соҳа вакиллари фрилансер бўла олади. Масалан, ёзувчи, видеоомонтажчи, ошпаз, журналист, ҳуқуқшунослар ҳам фрилансерлик қилиши мумкин. Шунинг учун уни фақатгина дастурлаш соҳаси

электр, интернет, телефон, жазирма ва шу каби нарсаларга онлайн тўловни мобил илова орқали амалга ошириш хизматини тақдим этади.

Асосчиларнинг айтишича, аввалбошида мобил иловага ҳеч ким ишонмаган. Аммо улар ўз лойиҳаларига содиқ қолиб, иловани бозорга таклиф қилишган ва бугунги кунда қутилган натижага эришилди.

– Суҳбатимиз аввалида фрилансерлик ортидан яхши даромад топаётганингизни айтдингиз. Бунга эришиш осон бўлмаган бўлса керак?

– Албатта, бу натижага эришиш осон кечгани йўқ, бунга эришиш учун мен уч йил давомида дам олиш кунлари уйда мустақил дастурлаш билимларини, хусусан, интернетдан олти ой давомида 100-150 АҚШ доллар бўлган дастурлаш курсларини сотиб олиб ўргандим. Қимматли вақтимни тўғри тақсимлашга, беҳуда сарфлашга ҳаракат қилдим. Умуман, уч йил давомида 12-14 соатлаб ўз устимда ишладим. Инглиз тилини янада чуқур ўрганишга интилдим. Негаки, дастурлаш ва инглиз тили бир бирига чамбарчас боғлиқ. Ўша вақтлар очиги одамлар билан кам мулоқот қилишга тўғри келган. Лекин бирор нимага эришиш учун нимадан дир воз кечиш керак. Шунда кўзланган натижага эришилади.

– Мамлакатимизда соҳанингизнинг янада ривожланиши учун қандай таклифлар бера оласиз?

– Юртимизда фрилансерлар учун шароитлар яхшиланмоқда. Мисол учун, фрилансерлар солиқлардан озод қилинди. Бу имконият шахсан ўзимни хурсанд қилди.

Уйлайманки, бу ҳолатни янада яхшилаш мумкин. Масалан, ўзбек тилида дастурлашга оид курслар ва контентларни кўпайтиришни таклиф қилган бўлардим. Сабаби кўпчилик болалар инглиз тилини билмайдми.

Кейин мавжуд дастурлаш курслари ҳақидаги тарғиботни кучайтириш зарур. Боиси биргина IT-Parfning дастурлашга доир бепул курслари бор. Аммо буни кўпчилик билмавермайдми. Шунингдек, пуллик дастурлаш курсларини аэронлаштириш тарафдори

ман. Чунки, аксарият ўқув марказларида дастурлашга оид курслар ўртача 1-2 миллион сўмни ташкил этади. Бу назаримда жуда қиммат.

Шунингдек, дастурлашни ўрганиш учун албатта компютер керак. Шунинг учун дастурлашга мос келувчи компютер ва шу каби қурилмаларни божхона тўловларидан озод қилиш ёки қамайтириш зарур. Бу борадаги маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш яхши самара беради, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, coworking марказларни кўпайтириш каби нарсаларни ҳам санаб ўтишим мумкин.

– IT-соҳасига кириб келмоқчи бўлган ва фрилансерлик қилиш ниятидаги ёшларга қандай тавсиялар бера оласиз?

– Ёш дастурчиларга тавсия: вақтни тўғри тақсимланг. Масалан, икки йил давомида кунига 14 соатдан ўз устингизда ишласангиз, шу вақт мобайнида 7 соат ўз устида ишлаган одамдан сиз икки йил олдинда бўласиз. Ўз соҳангизнинг етакчи мутахассиси бўлиш учун унга камида 10000 соат вақт ажратинг.

Илоҳи борица кўпроқ маълумотларни интернетдан мустақил ўрганинг. Икки-уч ойда назарий маълумотга эга бўлгандан кейин маҳаллий фирма ва корхоналарга, текинга дастурий лойиҳа қилиб бериш таклифини беринг. Бу тажриба тўплашга катта ёрдам беради. Бугун, эрта қийин бўлиши табиий. Аммо ундан кейин барчаси оддий ва осон ҳамда меҳнат меваси ширин бўлади.

– Келажақдаги режаларингиз қандай?

– Келажақда хориж тажрибасини яхши ўрганиб, чет элда машҳур бўлган бизнес компанияларни ўзимизда маҳаллий қилиб очишни режа қилганман.

Шунингдек, ёшларимизни мамлакатимизнинг ўзида иш билан таъминлаш ва жаҳонда “ўзбек бренди” сифатида таниладиган шахсий компания очиб ҳам мақсадларимдан бири.

Нурилло ТҲХТАСИНОВ
суҳбатлашди



БОШИДА КОРОНАВИРУС ФАҚАТ ЎПКАНИ ЗАРАРЛАЙДИ, ДЕБ ЎЙЛАДИК. ЛЕКИН АДАШИБМИЗ...

Олий тоифали невропатолог билан махсус суҳбат

Ҳозирги кунда тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири бу коронавирус инфекциясидир. Бугунга келиб жаҳон миқёсида коронавирус билан зарарланган беморлар сони 40 миллиондан ошган. Ундан жиддий азиат чеккан, яъни катта йўқотишларни бошдан кечирган давлатларнинг аксарияти яна карантин қоидаларини кучайтиришга мажбур бўлмоқда.

Б арчамизга маълум, руҳияти, асаб тизими соғлом инсон ҳар қандай касалликни енгишга қодир. Бироқ ушбу тизимларга ҳам чанг солаётган тожсимон вирус нафақат сизу бизни, балки соҳа мутахассислари, олим у тадқиқотчиларни-да чуқур уйга толдирмоқда. Мухбиримизнинг олий тоифали невропатолог, тиббиёт фанлари номзоди Нигора ИНОГОМОВА билан бўлган суҳбати айнан шу мавзуда бўлди.

– Айтинг-чи, коронавирус инсон руҳияти ва асаб тизимига қандай таъсирлар ўтказяпти?

– Британиялик олимларнинг аниқлашича, коронавирус жиддий неврологик ўзгаришларга олиб келади. Тадқиқотлар пайтида Covid-19 билан оғриган 40 дан ортиқ беморларда жиддий неврологик асоратлар: 9 нафарда – ўткир тарқоқ энцефаломиелит (кўпроқ болаларда учрайди ва уни вирусли инфекциялар қўзғатади), ўнлаб беморларда марказий асаб тизимининг яллиғланиши, руҳий ўзгаришлар, инсульт, Гийен-Барре синдроми, яъни асабларни зарарловчи ва фалажликка олиб келувчи иммун реакцияси кузатишган.

– Бошида биз бу вирус фақат ўпкани зарарлаб, зотилжам, яъни пневмонияни келтириб чиқаради деб ўйладик. Лекин адашибмиз, шундай эмасми?..

– Тўғри айтасиз, Covid-19 – нафақат вирусли пневмония, балки қон томирларнинг тизими яллиғланишидир. Буни Швейцариянинг Цюрих университети олимлари аниқлашди. Айнан шу нега коронавируснинг бунчалик кўп юрак-қон томир муаммоларини келтириб чиқараётганини ва ҳаёт учун муҳим аъзоларнинг шикастланишига олиб келишини изохлаши мумкин. Аввалига беморлар асосан пневмониядан азиат чеккан бўлса, кейинчалик у билан боғлиқ бўлмаган ҳолда юрак-қон томир хасталиклари ва полиорган етишмовчиликлар кузатила бошлади. Олимлар кузатувида кўра, яллиғланиш жараёни турли аъзоларнинг қон томир эндотелийсини, яъни ички қаватини қамраб олади. Вирус эндотелий хужайраларида аниқланган бўлиб, нафақат хужайраларни, балки тўқима ва аъзоларни ҳам шикастлайди. Яна бир хулосага кўра, вирус иммун тизимига ўпка орқали

эмас, айнан эндотелий деворидаги рецепторлар орқали ҳужум қилиб, барча аъзоларнинг қон томир тизимига таъсир кўрсатади.

– Айнан қайси аъзолар кўпроқ зарарланипти?

– Коронавирус қон томир тизимининг яллиғланиши билан кечгани сабаб асосан ўпка, юрак, бош мия, буйрак ва ҳатто овқат ҳазм қилиш тизими ҳам зарарланипти. Бу эса ўз навбатида жиддий ўзгаришларга, масалан, майда қон томирларда қон айланиши (микроциркуляция) бузилиши, ўпка эмболияси, мия инсулти, ошқозон-ичак тизимида микротромблар ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

– Коронавирусни болалар ва ёшлар енгилроқ, катталар эса оғирроқ ўтказиши сабабларига ҳамда оғир асоратларига ҳам тўхталсангиз...

– Ёш беморларда эндотелий ўзини яхши ҳимоя қила олса, катталарда ва кексаларда, айниқса, ёндош касалликлари бўлган, яъни қандли диабет, гипертония, юрак-қон томир хасталикларига эндотелий функцияси пасайиши ҳисобига организм вируснинг кўпайишига қаршилиқ кўрсатолмайди. Шунинг ҳисобига уларда касаллик оғирроқ ўтади. Бир гуруҳ олимлар тадқиқот натижаларига кўра, Covid-19 билан касалланган беморларда буйрак хасталиги, марказий ва периферик асаб тизими, бош мия хасталикларидан инсульт, энцефалит, миелит, Гийен-Барре, тиришиш синдромлари кузатишган. Бундан ташқари, ичак зарарланиши, диарея, жигар ва кўз касалликлари ҳам вирус асорати сифатида намоён бўлган. Коронавируснинг ўткир даврида марказий ва периферик асаб тизими, мушак ске-

лет тизими билан боғлиқ ўзгаришлар беморларнинг тахминан 1/3 қисмида учраган.

– Асаб тизимининг зарарланиши қандай белгилар билан кечади?

– Марказий асаб тизими зарарланиши белгилари: бош оғриги, бош айланиши, ҳаракат мувозанати (координацияси) бузилиши, тез чарчаш, мушакларда оғриқ, тиришиш синдроми бўлиши мумкин. Баъзи беморларда геморрагик энцефалопатия, менингит ва энцефалит ҳам аниқланган. Хитой шифокорларининг маълумоти-га кўра, тахминан 6% беморларда инсульт ривожланган. Айрим ҳолларда бир неча периферик асабларнинг, яна бош мия краниал асабларнинг зарарланиши ҳам кузатишган. Шунингдек, мушакларнинг вирусли зарарланиш ҳолатлари қайд этилган. Кўпинча вирус юқтириб олган беморлар ҳид сезиш ва таъм билишдан шикоят қилишади. Бу юқори нафас йўлларидаги шив ва яллиғланиш ёки вируснинг ҳид билув нейронларига тўғридан-тўғри нейротроп таъсири натижаси бўлиши мумкин.

– Вирус асаб тизимини тўғридан-тўғри зарарлайди-ми ёки асорат сифатида ривожланадими?

– Йўқ, асаб тизимининг зарарланиши бирламчи эмас, чунки бош мия гематоэнцефалик (барьер) тўсиқ орқали ҳимоя қилинади. ГЭБ – бош мия, марказий асаб тизимини вирус, бактерия, ёт оқсиллар ва иммун хужайраларидан сақлайди. Қўриқчи вазифасини эса капилляр томирларнинг ички қаватидаги эндотелий бажаради. Лекин бир қанча ҳолатларда менингит ва энцефалит билан оғриган беморларнинг орқа мия суюқлигида (ликвор) вирус аниқланган. Бу эса ГЭБ-

нинг ўтказувчанлиги ошиши, яъни эндотелий функциясининг бузилиши туфайли рўй беради. Эндотелий вирус билан зарарланиб, ҳимоя вазифасини тўла адо этолмайди. Шунда бош миянинг иккиламчи зарарланиши келиб чиқади. Биринчидан, капиллярларда қон айланиши бузилиши оқибатида мия кислородга тўйинмайди. Иккинчидан, бош мия гипоксияси ўпканинг ўткир зарарланиши сабаб нафас етишмовчилигидан келиб чиқади. Бунда хужайра митохондрийларида ёқилги, яъни энергия берувчи, моддалар алмашинувида иштирок этувчи – АТФ ишлаб чиқарилиши пасайиши кузатилади. Бош мия кислород танқислигига (гипоксияга) жуда сезгир бўлиб, натижада бош оғриги, ҳуш бузилиши, жиддий ҳолатларда кома ривожланиши мумкин.

– Сурункали неврологик касаллиги бор беморлар учун Covid-19 қанчалик хавфли?

– Коронавирусга чалинган беморларда сурункали неврологик касалликлар хуружи кузатилиши мумкин. Айниқса, инсульт, тарқоқ склероз, Паркинсонизм, тутқаноқ (эпилепсия), асаб мушак хасталиклари шулар жумласидандир. Беморларнинг аксариятида оғир депрессия, хотира ва тафаккур сусайиши ҳолатлари ҳам аниқланган. Лекин кўпчилиги тўлиқ муолажалардан сўнг ўз меҳнат фаолиятларига қайтишмоқда.

Бу янги вирус эканлигини ҳисобга олсак, ҳозирча унинг келгусида қандай неврологик оқибатларга олиб келиши тўлиқ ўрганилмаган. Шу боис касалликни эрта мuddатларда аниқлаб, вақтида тўғри ва тегишли чоралар кўрилса, албатта, ижобий натижага эришилади.

Шоҳида ИСРОИЛОВА
суҳбатлашди

Covid-19 – нафақат вирусли пневмония, балки қон томирларнинг тизими яллиғланишидир. Буни Швейцариянинг Цюрих университети олимлари аниқлашди.

Бугун уч-тўрт сўм маблағ топиб, рўзгорини тебратиш, фарзандларини уйли-жойли қилиш, ўқитиш мақсадида минглаб эркаклар оиласи бағридан узоқда меҳнат қилишмоқда. Гап фақат хорижда ишлаётган ватандошларимиз ҳақида эмас. Турли вилоятлардан келиб, пойтахтимиздаги қурилишларда ёлланма ишчи сифатида меҳнат қилаётганлар ҳам оз эмас. Улар қандай шароитларда яшайди, овқатланади, ишлайди? Меҳнати, ҳақ-хуқуқлари муҳофазаси қилинганми, деган савол тугилиши табиий. Ушбу саволларимизга жавобни уларнинг ўзларидан олдик.



ЁЛЛАНМА ИШЧИНИНГ ҲАМ ҲАҚ-ҲУҚУҚИ БОР

МАРАНКОРГА ОСОН ЭМАС...

– Оғир иш шароити ҳақида гап кетса, негадир фақат хорижда ишлаётган юрtdошларимизнинг ҳаёти мисол қилиб кўрсатилади. Мамлакатимиздаги қурилиш ташкилотларида ёлланма ишчи сифатида меҳнат қилаётган ака-укаларимизнинг ҳаёти, туриш-турмуши бинойидай эканми? – дейди андижонлик Рустамжон исми йигит. – 2016 йили ўқишга кира олмагач, Зангиота туманида намунавий лойиҳа асосида уй қураётган қурилиш фирмасида ёлланма ишчи сифатида ишладим. Қурилиш ишлари сентябр ойида бошланди. То уйлар тикка бўлгунча омонат қурилган баракларда яшадик. На махсус кийим, на бошни ҳимоялаш учун каска берилгани йўқ. Қишни эса ўзимиз қурган, эшик-деразаси йўқ уйларда ўтказдик. Қанча йигитлар касал бўлиб қайтиб кетди. Қурилиш фирмаси билан озғак келишув асосида ишлардик, ҳеч қандай қозога қўл кўйганимни эслаб олмайман. Бу-ку майли, ойлаб хусусий уй-жой қурилишларида ишлаб, ё прорабнинг муттаҳамлиги, ё уй эгисининг номардлиги туфайли ҳалол меҳнат ҳақини ололмай юрган танишларим қанча...

КАСБИНИ ҲАҚИДА ҲАҚ-ҲУҚУҚНИ

– Ўн йил пойтахтда прораблик қилдим, – дейди қўқонлик Самад исми танишим. – Қўл остимда қариндош-уруғларим, ака-укаларим ишларди. Ишчиларим орасида Акбар исми узоқроқ қариндошимиз ҳам бор эди. Мен билан уч йил бирга ишлаб, шу касб ортидан ўглини уйлантирдик, қизини узатди. Бир хонадоннинг томини ёпиш арафасида Акбар ака томдан йиқилиб, бели синиб, шифохонага тушиб қолди. Операциядан

кейин бир ой шифохонада ётиб, оламдан ўтди. Уша кунни онамининг қистови билан жанозага бордим. Дарвозадан ўтишим билан, ўгли келиб, ёқамга ёпишди. "Дадамнинг ўлимига сен сабабчисан", дея таҳдид қилди. Ишчиларнинг айтишича, Акбар ака томга чиққанида қўл телефонини пастга ташлаб кетмаган. Уйдагилар кўнғироқ қилиб қолгач, телефонда ниманидир муҳокама қилаётиб, суҳбатга берилиб, юқорида юргани ёдидан чиққан ва йиқилиб тушган. Шу воқеадан кейин маҳалладошларимнинг кўзига ёмон кўриниб қолдим. Кўни-кўшниллар, қариндошлар фарзандларини мен билан ишлашга юбормай қўйишди. Икки йилча уйдан чиқмай, ҳеч нарсага қизиқмай ўтирдим. Шу воқеада ўзимни айбдор ҳис қиладиган бўлиб қолдим. Охири прорабликни ташладим, ҳозир киракашлик қиляпман.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

– Мен эса ўзимнинг эътиборсизлигим туфайли бир умрга ногиронлик аравачасига миҳландим, – дейди қашқадарёлик Собир исми уста йигит. – 14 ёшимдан бошлаб ёлланма ишчи бўлиб ишлайман. Дадам ичкиликка ружу қўйгани боис, рўзгорнинг бутун ташвиши онамининг елкасида қолиб кетди. Мухтожлик сабаб тоғаларим билан пойтахтга келиб ишладим. Лой ташини, идиш-товоқларни ювиш, теша, болталарни олиб келиб бериш каби майда-чуйда ишларда ёрдам бериб турдим. Касбхона коллежини битирганимдан сўнг катта устага айландим. Бир хонадоннинг эски уйни бузаётганимизда оёғимга резинка шиппак кийиб олгандим. Эски деворларни қулатаётганимизда шип-

пагим сирғалиб, оёғим чалишиб, ерга йиқилдим. Устимга девор қулаб тушди. Тез ёрдам машинасида шифохонага олиб боришди. Рентген натижалари чап елкамининг суюғи синганини тасдиқлагач, зудлик билан операция столига ётқизишди. Жарроҳлик операциясидан сўнг ногирон бўлиб қолдим. 25 ёшимда ногиронлар аравачасида юришга мажбурман. Ҳар доим ишга кетаётганимда онам: "Қорнинг оч юрмагин, оёғингга эски бўлса ҳам қулайроқ оёқ кийим кийиб ол, юқорида ишлаётганимда телефонда гаплашма", деб тайинларди. Фалокат оёқ остида, деб шунга айтсалар керак-да.

Бандлик бошқармасидан берилган маълумотларга кўра, ёлланма ишчилар бахтсиз тасодиф туфайли жароҳат олса ёки унинг ҳаёти фалокат билан тугаса, фақат юридик шахс бўлсагина ўша жойга чиқиб, текширув ишлари олиб бориш тартиби ўрнатилган. У қанақа ташкилот бўлишидан қатъи назар ҳодимларнинг аралашиди. Жисмоний шахслар ўртасида содир бўлган турли ҳодисаларни ўрганишга эса ҳақлари йўқ. Чунки жисмоний шахслар асосан озғак келишув бўйича ишлашади. Жисмоний шахс ёлланма ишчининг хусусий уйига олиб бориб, келишувга асосан ишлатади. Ёлланма ишчилар қаерда ишладидан қатъи назар, ўз ҳаёти кафолатланганлиги ҳақида маълумотга эга бўлишлари керак.

ИНСОН ҲАЁТИ ҲАҚИДА

Азиз КАРИМОВ, муҳандис:
– Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг муҳандислик факултетини тугатганман. Отам ҳам муҳандис бўлган.

Ёшлигимда кўпинча уларнинг ёнида юриб, ишларини ўрганганман. Бу ишнинг нонини ейиш осон эмас. Айни кунларда 7 қаватли бинода қурилиш ишлари билан шугулланяпмиз. Қўл остимда 24-25 ёшдан 50 ёшгача бўлган, Жиззах ва Сурхондарё вилоятидан келган 50 нафар ишчи бор. Иш бошлашдан олдин рўйхат тузилиб, ҳар бир ишчининг ёши, имкониятига қараб иш тақсимланади. Кўп қаватли уйлари қуришда иш асосан кран орқали бажарилади. Ишчилардан хавфсизлик қоидаларига амал қилишлари, бошига махсус каска, оёғига этик, белига камар тақиб, қўлқоп кийишлари талаб этилади. Юқори қаватларда телефон ишлатилмайди. Ортиқча сим, арматура ёки фишт бўлаклари оёқларига илиниб қолмаслиги учун ҳар якшанба кунини чикиндилар тазоланади. Кимнингдир оиласида муаммо бўлса, кетишига рухсат берамиз, ўрнига бошқа ишчи қабул қилинади. Соат олтидан кейин иш тўхтайтилади. Янги келган ишчига техника хавфсизлигига риоя қилиш тушунтирилади. Аммо ҳар бир инсоннинг ҳаёти ўз қўлида.

"ЯНА ОЧ ҚОЛАДИГАН БЎЛДИК"

Отабек МУСАЕВ, ҳайдовчи:
– Ҳозир маҳалласидаги беш-олти ишчи йигитни йигитлик бригадга тузиб олган прораблар қўлайиб кетди. Уларни пойтахтга олиб келиб, шахсий хонадонларда ишлатишди. Бировларнинг меҳнати эвазига фойда кўриб, қўша-қўша машина олаётган, участка қураётганлар ҳақида ҳам эшитганман. Майли, хоҳлаганича бойлик орттирсин, бироқ бу оғир меҳнат қилаётган ишчиларнинг ризқ-насиба-

сини қирқиш эвазига бўлмаслиги керак. Ўтган йили участкамда уста ишлатдим. Прораб билан келишиб, озиқ-овқат учун пул бериб турдим. Бир кун ишчилардан хабар олгани келсам, йигитлар қуруқ нон билан чой ичиб ўтиришибди. Тушлиқда гўштсиз макарон, кечкурунга мастава қилиб бераётган экан. Уша кундан бошлаб овқатни келиноянгиз ўзи пишириб берадиган бўлди. Ўзимиз нима есак, усталарга ҳам ўша таомни едирдик. Йигитлар ҳам бинойидек ишладик, ҳеч бирининг соғлиғида муаммо чиқмади. Иш тугагач, бригадир усталарни янги буортма берган фирмага олиб кетадиган бўлди. Йигитлардан бири: "Яна оч қоладиган бўлдик-да", деди ёнидаги шеригига норози оҳангда.

– Қандай яшаш инсоннинг ўзига боғлиқ, – дея суҳбатга қўшилди Шамсиддин исми буюқ устаси. – Масалан, бизнинг ишмизда соғлиққа зарар томонини кўп. 35-40 ёшдан кейин кўпинча аллергияга мойиллик бошланади. Шу сабаб бизга икки хисса кўп маош тўлашлари керак. Битта уйни таъмирдан чиқариш учун бригадир шартнома тузади. Ҳар кимни бажарадиган ишига қараб, пул тарқатади. Баъзида айёрлик қилиб, пулни камроқ берса ҳам йигитлар индамайди. Айрим танишларим меҳнатини қилиб қўйиб, пулни ололмай, ялиниб юришади. Мен эса ҳаққимни бир тийинини ҳам қолдирмасдан оламан. Демак, одам қаерда яшаб, ишласин, ўзи учун қулай шароит яратиб олиши, унинг ўз қўлида. Ҳаққини билган хор бўлмайди, дейишади-ку.

Нигора РАҲМОНОВА,
журналист

Рашмор тоғидаги ёдгорлик — Американинг Жанубий Дакота штатидаги маҳаллий халқ "Қора тоғлар" деб атайдиган ҳудудда жойлашган. Ушбу ёдгорликларда АҚШ тарихида муҳим из қолдирган тўртта йирик президент қиёфаси тасвирланган бўлиб, ҳар бир ҳайкалнинг баландлиги 18-20 метр келади. Гранит тошларидан ўйиб ишланган мазкур бюстлар америкалик ҳайкалтарош Гутзон Борглум ижодига тегишли.

РАШМОР ТОҒИДАГИЛАР КИМЛАР?

Хатто анчагина йироқдан ҳам кўзга ташланадиган бу санъат асарларида Джорж Вашингтон, Томас Жефферсон, Авраам Линкольн ва Теодор Рузвельтларни кўриш мумкин. Маълумотларда келтирилишича, Гутзон ўз ишини охиригача етказолмай оламдан ўтган. Баъзи манбаларда эса у сирли равишда вафот этган дейилади. Ўз ота касбини тўлиқ ва мукамал эгаллаган ўгли эса падарининг ишини давом эттирган ва ниҳоясига етказган. Бошқа бир тарихий маълумотларда, асарнинг чала қолган ишини Аугустус Луман исмли ҳайкалтарош битирган дейилади. Чунки Борглум ҳайкални тугатишни хоҳламай ишни ташлаб кетган экан.

Ёдгорлик устида 14 йил меҳнат қилинган ва 1950 йилга келибгина якунланган. Аммо унинг қайси йилдан бошлангани ҳақида аниқ сана айтилмаган. Мисол учун, қайсидир ҳужжатда 1927 йилдан иш бошланди дейилса, бошқасида 1936 йилдан Гутзон қоя устига чиқиб кетди дейилган. Умуман олганда мажмуа XX асрнинг биринчи ярим йиллигидан қурила бошланган.

Тахминларга кўра, ёдгорликни яратишда қиёфалари тасвирланиши керак бўлган шахсларни Борглумнинг ўзи танлаган. Унинг нуқтаи назарида бу 4 нафар инсон давлат тарихида муҳим аҳамиятга эга ишларни қилган. Мисол учун, уларга таъриф берилганда шундай сабаблар келтириб ўтилади. Бюстлар ичида энг биринчида турган (чапдан ўнга) инсон Жорж Вашингтон бўлиб, у АҚШнинг биринчи президенти ва демократия асосчиси, янги давлатнинг "отаси" деб айтилади. Шунинг учунми, Гутзон бу шахсни Рашмор тоғида биринчилардан бўлиб кўришни, энг муҳими демокра-

тиянинг "туғилишини" англатувчи рамз сифатида гавдаланишини истаган.

Иккинчи арбоб Томас Жефферсон эса мамлакатнинг учинчи президенти, Америка Мустақиллик Декларациясини ёзган ва шу билан бутун дунёга тарқалиши керак бўлган демократияни тараннум этган шахс дея таърифланган. Тахминларда келтирилишича, Гутзон ўсиб бораётган Американи кўрсатиш рамзи сифатида Жефферсонни танлаган.

Американинг ривожланиши жумласини бюстлар орасида учинчи бўлиб қад рослаган 26-президент Теодор Рузвельт ҳайкалига нисбатан ҳам қўллаш

мумкин. Аммо бу инсоннинг тўртинчи муҳим шахс бўлиб мажмуага киритилиши ҳақида бир нечта қарашлар бор. Чунки президентлар орасида фақат Рузвельтгина яқин-яқинда ҳокимият тепасида ўтирган. Унинг бу мартабага эришишида қилган ишларини ҳар ким турлича талқин этди. Мисол учун, улар орасида, "Америка президентлари ичида биринчи бўлиб суиқасд қурбони бўлгани учун" деган қарашлар ҳам бор. Борглумнинг ўзи берган таърифга кўра, Рузвельт давлатнинг иқтисодий ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлган Панама канали қурилишига бошчилик қилган ва XX асрда Америка тараққитини яна бир поғонага олиб чиқишдаги хизматлари учунгина мажмуага киришга муяссар бўлган.

Тўртинчи бўлиб ўйиб ишланган Американинг 16-президенти Авраам Линкольн бюсти эса президентнинг қулдорлик тизмига барҳам бергани ва "Фуқаролар уруши" даврида мамлакатни бирлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларига муносиб ҳурмат деган маънода ўрнатилган. Гутзон Линкольн бюсти Американи асраб-авайлаш рамзи бўлишини хоҳлаган.

Мажмуанинг яратилиши ҳақидаги қарашларда қизиқ тахминлар ҳам айтилади. Мисол учун, аввалига қояларга президентлар эмас, бир вақтлар оқ танли босқинчиларга қарши мардонатор курашган шу ерлик ўтроқ қабилалар вакили саналган ҳинду йигитининг бюсти тушиши керак бўлган, аммо Гутзон буни ёқламаган.

Бошқа бир тахминларга кўра эса, ҳайкаллар аслида 4та эмас 5та бўлиши мумкин эди, бироқ бешинчи ҳайкал мураккаб иш жараёнини талаб этгани боис кейинчалик ундан воз кечилади. Шундан сўнг Гутзон махфий

хона билан ишлашни бошлаган.

Ҳужжатларда мажмуани барпо этиш фикри кимдан чиққанлиги мужмаллигича қолган. Манбаларда келтирилишича, ёдгорлик гоёсини Дакота штатида мансабдор шахслардан бири бўлган Джоан Робинсон берган. Унинг мақсади мамлакат ҳудудида яшовчи кишиларни ўз штатига жалб қиладиган диққатга сазовор жой яратиш эди. У ўз гоёсини изидан қолмайди ва шу сабабдан тоғ қояларини йўйиб асарлар яратиш танилган ҳайкалтарош Жон Гутзон Борглум билан муносабат боғлашга киришади. Тарихий манбаларнинг тасдиқлашича, улар 1924-1925 йилларда учрашишган. Айтишларича, Робинсон Борглумга Рашмор тоғини ёдгорлик яратиш учун жуда қулай жой деб таърифлаган. Бунга сабаб қилиб эса, жарликнинг баландлиги ва жанубий-шарқдан кўтарилиб келадиган қуёш нурида янада жозибали кўринишини қўшимча қилган. Робинсон ўз мақсадида собит турадиган шахс эди, балки шунинг учун ҳам уни "Рашмор боғи отаси" дея таърифлашгандир. Джоан Конгрессда гоёсини қўллаши учун Жон Боланд, ўша вақтда мамлакатнинг 30-президенти Калвин Кулидж, Конгресс аъзоси Уильям Уильямсон ва сенатор Питер Норбек билан яхши муносабатда бўлган.

Ниҳоят Конгресс мазкур лойиҳани ёқлайди ва уни амалга ошириш учун 250 минг АҚШ долларигача маблағ ажратишга розилик билдиради. Мажмуани барпо этишни назоратта оладиган "Миллий ёдгорлик комиссияси" тузилади. Лойиҳа бошлаб юборилади. Бироқ Борглум қилинаётган назоратни ёқтирмайди, шундай бўлса-да, у то вафот этган 1941 йилгача ёдгорлик устида ишлашда давом этади. Маълумотларда ёзилишича,

бюстлар 1941 йил 30 октябрда қуриб битказилган.

Айтишларича, мазкур бюстлар ортида яширин хона мавжуд бўлиб, унга давлат аҳамиятига эга маълумотларни жойлаш кўзланган. Ушбу хонада АҚШ тарихидаги энг сирли ва муҳим маълумотлар ҳамда тарих сақланган. Улар билан бирга Мустақиллик Декларацияси, АҚШ Конституцияси ва яна шу каби ҳужжатлар ҳам. Ҳозирда ёдгорликни кўриш учун ташриф буюрганларга махфий хонага кириш тақиқланади. Очиги, махфий хонага пиёда бориб бўлмас экан.

Фактларга таянадиган бўлсак, бу ҳудудга ҳар йили 3 миллиондан ортиқ сайёҳ ташриф буюради. Америкаликлар эса мазкур ёдгорликни Мисрда жойлашган Гиза сфинкси ва пирамидалар билан солиштиришади.

Кўпчилик бу ҳудудга "демократия ибодатхонаси" дея рамзий таъриф беради. Аммо Рашмор тоғидаги мазкур ёдгорлик тарихи демократия идеалидан узоқ деб баҳолайдиганлар ҳам топилади. Улар наздида бу мажмуа мутлақо бошқа мақсадда, яъни Қора тепаликлардан (Black Hills) унумли ер ва олтин қидириб юрган оқ танли кўчманчиларга нисбатан қутилиши мумкин бўлган маҳаллий қабила-лар қаршилигини синдириш, ғарбга қараб қилиниши зарур ҳаракатларни енгиллаштириш учун бошланган даҳшатли урушларнинг белгиси сифатида барпо этилган. Бу мустамлака даврида ва ундан кейинги йилларда ҳам давлат ҳудудини кенгайтириш учун олиб борилган силжишни англатади. Яъни ўша даврларда евро-америкаликлар мамлакатдаги ҳамма нарсанинг эгаси деган қараш мавжуд бўлган.

Яқин кунларда АҚШда бошланган ирқчиликка қарши кураш ҳаракатларига мазкур мажмуа ҳам аралашмай қолмади. Туб америкаликлар фикрича, қўлчиликни ёқлаган Конфедерация етакчилари ҳайкаллари бузиб ташланганидай, бу монументлар ҳам вайрон этилиши керак. Сабаби, ёдгорлик туб америкаликлар ерини тортиб олган оқ танли истилочиларни улуглайди. Бу эса оқ танлиларнинг бошқа ирқлардан устулчилигига ишора экан.

Нима бўлган тақдирда ҳам, мажмуа бугун АҚШнинг энг кўп сайёҳ ташриф буюрадиган маскани ҳисобланади. Ирқчилик масаласига келсак, бунинг қандай, нима сабабдан ҳамда нима мақсадда қилинганлигини фақат тарих билади. Шуни ҳам айтиш керакки, фақат мозийгина хатолардан сабоқ олиш кераклиги ҳақида "насиҳат" қила олади. Унга амал қилиш эса бизнинг ривожимиз ёки заволинимиз бўлиши мумкин.

Оламгир АБДИЕВ
тайёрлади

"РРТМ" ДУК:

БАРЧА ТАДБИРЛАР АҲОЛИГА ТЕЛЕРАДИОДАСТУРЛАРНИ УЗЛУКСИЗ ВА СИФАТЛИ ЕТКАЗИШГА ҚАРАТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги "Радиоалоқа, радиозшиштириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси ("РРТМ" ДУК) республика ҳудудида давлат, нодавлат ва хорижий телерадиоэшиштиришларни аҳолига етказиб бериш хизматини тақдим этувчи давлат ташиқоти ҳисобланиб, бу-гунги кунда бу ерда 1000 нафардан ортиқ ходим меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

"РРТМ" ДУК радио ва рақамли телерадиоэштириш тармоғига эга бўлиб, буюртмага биноан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва нодавлат телерадиокомпаниялар теле ва радиодастурларини шартнома асосида ер усти телерадиоэштириш тармоқлари ва ер сунъий йўлдоши алоқа тизимлари орқали узатиш фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, буюртма асосида хорижий радиодастурларни қисқа тўлқинли диапазонда узатилишини таъминламоқда.

2020 йил давомида "РРТМ" ДУК томонидан аҳолига сифатли хизматлар кўрсатилиши юзасида куйидаги ишлар амалга оширилди:

2020 йил январ ойида Навоий вилоятидаги Лангар РТСда маҳаллий нодавлат "ТТВ Тўртқўл телевиденияси" телеканали ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказларида рақамли телеузатгичлар орқали қўшимча HD форматда "Sevimli TV" телеканали эфирга узатилиши таъминланди.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманида янги Зарабўғ РТС ташкил этилиб, рақамли телеузатгич ўрнатилди ва ушбу ҳудуд аҳолисига маҳаллий телеканалларнинг сифатли узатилиши таъминланди.

2020 йил апрел ойидан коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш юзасидан мамлакатимизда жорий этилган карантин даврида мактаб ўқувчиларининг онлайн тартибда масофадан таълим олишини таъминлаш мақсадида 1-4 синфлар, 5-8 синфлар ва 9-11 синфлар учун учта телевизион каналлар орқали "Online-maktab" телевизион видеодрас машғулотларини республика бўйича ер усти рақамли телевидение тармоқлари ҳамда ер сунъий йўлдоши алоқа тизимлари орқали тарқатилиши йўлга қўйилди. Ўшунингдек, карантин даврида аҳолига янада қўлайлик яратиш мақсадида, мамлакатда коронавирус билан боғлиқ эпидемиологик вазият барқарор ҳолатга келгунга қадар, "Индийское кино", "Дом кино", "Discovery Channel", "Disney channel", "Euronews" тижорат телеканаллари очик тартибда узатилиши таъминланди.

Иккинчи жаҳон урушида эришилган галабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати ташкил этилган тадбирни алоҳида телеканал орқали Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар хонадонлари-

дан тўғридан-тўғри кўриш имконияти яратиб берилди.

2020 йилда Тошкент вилояти Чиноз тумани Ёллама ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Янги Чиноз" объектидан телерадиоэштириш тармоғини ривожлантириш масаласи бўйича кам қувватли рақамли телеузатгич ва антенна-фидер тизимлари ўрнатилиб, ушбу ҳудудда сифатли телерадиоэштириш хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди.

2020 йил июл ойидан Хоразм вилоятининг Тупроққалъа тумани аҳолиси учун ва Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани "Чорвоқ" дам олиш маскани ҳудудида хорижий телеканаллар қамров ҳудудини кенгайтириш бўйича "UzDigital TV" МЧЖ тижорат телеканаллари сони оширилди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 6 июлда Сўх телеканаллари қамрови янада кенгайтирилиб, Фарғона вилояти ҳудудида узатилишини таъминлаш бўйича техник тадбирлар амалга оширилди.

2020 йил август ойидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказларида рақамли телеузатгичлар орқали қўшимча HD форматда "Milliy TV" телеканал эфирга узатилиши йўлга қўйилди.

Республиканинг бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларида яшовчи аҳолини рақамли телевидение билан таъминлаш мақсадида Жиззах вилоятининг Илчли, Тераклисой, Конгли, Хўжақумушкент ҳамда Қашқадарё вилоятининг Қорақўз, Янгиобод, Дуқонхона ва Омонота ҳудудларида кам қувватли рақамли телеузатгичлар ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 26 июлда тасдиқланган "РРТМ" ДУК фаолиятини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси"ни бажарилишини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг январ ойида бориш қийин бўлган ҳудудлардаги Лангар ва Қўйтош РТСлар учун иккита занжирли махсус ишлаб чиқариш технологик транспорт воситалари харид қилинди ва ушбу РТСларда ўрнатилган барча техник қурилмаларни узлуksиз, барқарор ишлаши таъминланди ва ишчи-ҳодимлар-

КЕЛГУСИДА КОРХОНА ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ, ҚУЛАЙ ИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ХОДИМЛАРНИ БОШҚА ЙўНАЛИШЛАРДАГИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ КАБИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИШЛАРИ ТИЗИМЛИ ДАВОМ ЭТАДИ.

нинг объектларга келиб-кейтишига енгиллик яратилди.

2020 йилнинг июн-сентябр ойларида Тошкент телеинораси (Н-375) металлоконструкцияларини коррозияга қарши бўяш 1-босқич тадбирлари амалга оширилди, шунингдек, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қуёшли ҚФЙ 3-сонли радиостанцияда жойлашган қисқа тўлқинли диапазонда хорижий радиодастурларни узатишда фойдаланиладиган 65 ва 110 метрлик жами 12та антенна миноралар коррозияга қарши бўялди.

Шунингдек, "Тошкент телеинорасига замонавий тунги ёритиш мосламаларини ўрнатиш" лойиҳаси бўйича ишлари якунланиб, объект фойдаланишига топширилди.

Радиотелевизион узатиш станция объектларини ишчи ҳолатда сақлаш, муҳофазасини таъминлаш ҳамда ушбу объектларда фаолият олиб бораётган ходимларга қўлай шарт яратиш мақсадида:

- жорий йилнинг май-июл ойларида Самарқанд радиотелевизион марказининг маъмурий биноси фасад ва ички қисмлари ҳамда ҳудуднинг девори мукамал таъмирланди;

- жорий йилнинг июл ойида Навоий РТС биносининг фасад қисми, Лангар

РТСнинг ички хоналари таъмирланиб техник ходимларга қўлай шарт-шароитлар яратилди;

- жорий йилнинг июн ойида Наманган вилоятда жойлашган Косонсой РТС биноси фасад қисми мукамал таъмирланди;

- Фарғона ва Чуст РТСларда ишловчи техник ходимларга қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида РТСлар ичимлик суви билан таъминланди.

Шунингдек, ходимлар меҳнат шароитини яратиш, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича "РРТМ" ДУК Касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ходимлар билан мунтазам равишда маданий учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Шу жумладан, Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган 3-сон радиостанция ходимлари билан "Очик мулоқот" тарзида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида йиғилиш қатнашчиларига иш жойларидаги қўлай ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси ҳолатини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқаришда жароҳатланиш профилактикасига йўналтирилган тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш учун корхонанинг ҳар йиллик бизнес-режасида ушбу мақсадлар учун зарур маблағлар ажратилиши кўзда тутилганлиги ва бошқа масалалар бўйича маълумот берилди.

2020 йил 15 сентябрда Меҳнат жамоаси конференциясининг қарори билан 2020-2023 йиллар учун мўлжалланган янги тахирдаги "РРТМ" ДУК Жамоа шартномаси қабул қилинди. Мазкур Жамоа шартномасида ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш ва қўшимча имтиёзларни жорий қилиш бўйича бир қанча қўшимчалар ва ўзгаришлар киритилди. Жумладан, корхона ходимларининг санитария-эпидемиологик муҳитини таъминлаш ва саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча бандлар киритилди. Шунингдек, алоқа соҳасидаги иш стажини ўқун тўланадиган қўшимча ҳақ миқдори ўртача 60 фоизга оширилишига эришилди.

Келгусида корхона ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилаш, қўлай иш шароитларини яратиш ва ходимларни бошқа йўналишлардаги кафолатларини янада яхшилаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш ишлари тизимли давом этади. Бу эса зиммамиздаги устувор вазифалар ижросини таъминлашимизга, аҳоли ва ҳамкорларга янада сифатли хизматлар кўрсатишимиз ҳамда республика аҳолисига телерадиодастурларни узлуksиз ва сифатли етказилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

"РРТМ" ДУК ахборот хизмати

12 АЛОҚА ОЛАМИДА



КОРОНАВИРУС

СУНЪЙ ИНТЕЛЛЕКТ БЕМОРИНИНГ ЙЎТАЛИГА ҚАРАБ
КОРОНАВИРУСНИ АНИҚЛАШНИ ЎРГАНДИ

Америкалик тадқиқотчилар коронавирус белгисиз ўтаётган беморларнинг йўтали соглом инсонлар йўталидан товуши бўйича фарқ қилишини аниқлашди. Инсон кулоқлари уни фарқлай олмайди, аммо бу сунъий интеллектнинг кўлидан келади, деб ёзади Esquire.

Массачусетс технологиялар институтининг бир гуруҳ олимлари бемор йўталига қараб коронавирус ташхисини қўядиган дастурни яратишди. Олимларнинг фикрича, сунъий интеллект, айниқса, касаллик белгисиз ўтаётган беморларни аниқлашда қўл келади.

Алгоритм COVID-19 билан касалланган ва соглом одамларни 98,5 фоиз аниқликда ажрата олади. Тизим ўн минглаб йўтал намуналари асосида яратилган.

Хозирда олимлар гуруҳи дастурдан мобил илова орқали фойдаланиш имкониятини яратиш устида иш олиб бормоқда. Агарда АҚШ соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар вазирлиги мазкур ихтиродан кенг қўламда фойдаланишга рўхсат берса, мобил илова касалликни аниқлашда қўлай ва бепул иловага айланиши мумкин.



СМАРТФОНЛАР

УАНОО ЭНДИ КУЧИНИ СМАРТФОНЛАР БОЗОРИДА СИНАБ КЎРМОҚЧИ:
БОШЛАНИШИГА 50 ДОЛЛАРЛИК ҚУРИЛМА

Бир пайтлар ўз интернет-қидирув ва почта хизматлари билан етакчи бўлган Yahoo компаниясининг смартфон ишлаб чиқариш бизнеси ҳозирда АҚШдаги йирик Verizon уяли алоқа операторига қарашли. Мазкур бренд остидаги илк смартфон эса ZTE компанияси билан ҳамкорликда тайёрланди.

Ушбу телефон Yahoo Mobile ZTE Blade A3Y номини олган бўлиб, 5,45 дюймлик FullVision дисплей билан таъминланган. Экраннинг томонлари ўзaro 18:9 нисбатда, тасвир аниқлиги эса 720x1440 пикселга тенг. Смартфонга 2 гигабайтлик тезкор ва 32 гигабайтлик доимий хотира ўрнатишган. Android 10 тизимли қурилманинг орқа панелида бармоқ изи сканери бор, яна олд камера ёрдамида эгасини юзидан таниб олиш орқали ҳам тизимни қўлдан чиқаради.

Смартфонга MediaTek Helio A22 процессори ўрнатилган, аккумуляторининг ток сиғими 2660 мАс. Асосий бош камераси 8 МП, селфи-камераси 5 МП. Телефон корпусининг ўлчамлари 146x70x9,6 миллиметрга, вазни эса 161,8 граммга тенг.

Ушбу смартфон ўта арзонлиги билан ҳам эътиборга лойиқ: Verizon ўз мижозларига Yahoo Mobile ZTE Blade A3Y моделини атиги 50 доллардан сотаяпти. Чекланмаган вақтгача сўзлашувлар, матнли хабарлар ҳамда 4G LTE тармоғидаги интернет ҳам шу нарх ичида — респект!



ИНТЕРНЕТ

STARLINK КЕЛАЖАК
ИНТЕРНЕТИ БЎЛИШИ МУМКИН


Элон Маскнинг битмас-туганмас режалари орасида амалга ошишга энг яқини ҳозир — Starlink. SpaceX компаниясининг ушбу лойиҳаси бутун Ер юзини тезкор интернет билан таъминлашга мўлжалланган. Бошида унинг интернетини синаб кўрганлар ҳафсаси пир бўлган эди, лекин сўнграқ...

Starlink интернет компанияси тақдим этаётган интернетнинг тезлиги бета-тест жараёнларида ўз рақобатчиларидан деярли тўрт қарра юқори экани маълум бўлди, деб ёзмолқда PCMag нашри.

Хабарда айтилишича, Starlink интернетининг юклаб олиш тезлиги 80 Мбит/сониягача чиққан, фойдаланувчилар томонидан юклаш тезлиги эса 13,8 Мбит/сонияни ташкил қилган. Компаниянинг асосий рақобатчилари — Viasat ва HughesNet тақдим қилаётган интернет тезлиги эса юклаб олиш учун 25 Мбит/сонияни, юклаш учун бор-йўғи 3 Мбит/сонияни ташкил қилган.

Илк тест синовлари бошланган икун ойдан бери тезлик 2,5 баробар ошган.

Элон Маскка тегишли Starlink компанияси сунъий йўлдош орқали тақдим қилаётган интернет хизматларини 27 октябрдан АҚШ ва Канадада очиқ тест қилиш бошланди. Хизмат учун бир ойлик абонент тўлови 99 АҚШ долларини ташкил қилади. Starlink интернет хизматларидан фойдаланиш учун абонентлар, бундан ташқари, антенна билан жиҳозланган қурилма ва Wi-Fi роутер сотиб олиши керак бўлади. Бу техникаларнинг умумий қиймати АҚШда 499 долларга тушади.



БОЗОР

КЕЧИКИШ 100 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ТУШДИ

Apple корпорацияси, одатда, ҳар йили смартфонларини сентябр ойида тақдим этарди, бу йил эса нақ бир ойга кечикди. Оқибатда учинчи чорак давомида смартфонлар сотуви кескин пасайиб кетди.

Interbrand яқинда эълон қилган жаҳондаги энг қимматбаҳо брендлар рейтингига Apple етакчи — ўтган бир йил ичида 38 фоизга қимматлаб, нархи 323 млрд. долларга етган. Лекин яқинда корпорация молиявий ҳисоботини эълон қилгач, унинг акциялари нархи 5 фоизга пасайди, деб хабар берди. Яқини шу бўлдики, компаниянинг бозор қиймати 100 миллиард долларга пасайиб кетди.

Коронавирус пандемияси сабабли тақдимот бир ойга кечикиши мана шу 100 миллиардлик зарар сабабчиси, дейишмоқда экспертлар. Зеро, ҳар йили учинчи чорак якунланмасиданоқ янги айфонлар чиқар ва савдо ҳажми кескин ортиб кетар эди.

Кечикиш қимматга тушди, ҳатто Xiaomi ҳам Apple'ни қувиб ўтиб, 3-рақамли смартфонсозга айланди!

2020 йилнинг учинчи чорағида iPhone савдоси 20,7 фоизга пасайиб, 26,4 миллиард долларга тушиб қолган. Шундай бўлса-да, Mac компьютерлари ва AirPods қўлқинларининг савдоси бу даврда анча ўсган. Натжидада Apple умумий даромади ва соф фойдаси қутилганидан анча яхшиланган.



РЕЙТИНГ

ЭНГ ҚУВВАТЛИ СМАРТФОНЛАР (ТОП-15)

Android Insider қуввати узоқ вақтга етувчи турли смартфонлар рейтингини тақдим этди. Мазкур тест қурилмаларнинг тўртинчи авлод уяли алоқа стандарти — LTE тармоғида интернет ишлатганда қуввати қанча вақтга етиши бўйича ўтказилган.

Қўйидаги рўйхатда смартфонлар муқобиллиги камайиб бориши тартибда жойлашган, яъни энг кучлилари тепада: ҳар бир моделнинг аккумулятор ток сиғими ҳамда қуввати неча соатга етиши кўрсатилган:

1. Moto G Power (5000 мАс) — 16:10
2. Moto G7 Power (5000 мАс) — 15:35
3. Asus ZenFone 6 (5000 мАс) — 15:01
4. Samsung Galaxy A20 (4000 мАс) — 13:46
5. LG V60 ThinQ 5G (5000 мАс) — 12:46
6. Samsung Galaxy S10 Plus (4100 мАс) — 12:35
7. Moto G Fast (4000 мАс) — 12:17
8. Moto G Stylus (4000 мАс) — 12:13
9. Motorola Edge (4500 мАс) — 12:12
10. Samsung Galaxy S20 Ultra (5000 мАс) — 11:58
11. iPhone 11 Pro Max (3969 мАс) — 11:54
12. LG G8X ThinQ Dual Screen (4000 мАс) — 11:46
13. Moto Z4 (3600 мАс) — 11:31
14. iPhone 11 (3110 мАс) — 11:16
15. OnePlus 8 Pro (4510 мАс) — 11:05

Эслатиб ўтамиз, на видео кўриш, на суратга олиш функциялари синаб кўрилган, шу боис, юқоридаги тажриба холисликдан сал узоқроқ... Булар LTE тармоғида яхши ишловчи қурилмалар.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

АҚШ сайлови тугади: Энди бўёғи нима бўлади?

АҚШда президент сайлови ниҳоят якунланди. Аммо натижаси ҳозирча ноаниқ. Овозларни санашяпти. Бу жараён мuddатидан илгари ёки почта орқали овоз бериш ҳозиргидек оммабоп бўлмаган йилларда ҳам сайловдан кейин бир неча кунга чўзилган.

Айни пайтда Жо Байден амалдаги президентдан сал олдинда. Аммо Трамп аллақачон ўз ғалабасини эълон қилиб бўлди. Бу нима дегани?

Сиёсатшуносларнинг фикрича, Доналд Трамп сўнгги ҳафтаalarda агар сайлов натижалари тенг бўлса, демократларни овоз бериш жараёнида фирибгарлик ва ўзидан ғалабани ўғирлашга уринишда айблаши мумкинлигини англатиб келаётганди. Чоршанба кuni тонгда у худди шу нарсани қилди – овозларни санаш жараёнини таҳдид остида қолдирди. Бу эса барча кўрққан сценарий эди.

Доналд Трампнинг баёнотидан кейин вице-президенти Майк Пенс унинг сўзларини юмшатишга уринди. У овозларни санаш жараёни ниҳоясига етмагунча, ғолиб чиққанликларини эълон қилишдан бош тортди. Бу сиёсий ноаниқлик даврида Америка раҳбарининг қутилган хатти-ҳаракатларига кўпроқ мос келади. Аммо зиён етказиб бўлинди. Ғолиб чиқиш-чиқмаслигидан



қатъи назар, Трамп бу сайловларга соя ташлаб улгурди. Бу эса АҚШ демократиясининг бутун механизмини савол остига қўяди.

Демократлар Трампнинг Олий судга даъво аризаси билан овозларни санаш жараёнини тўхтатиб қўйиш ҳақидаги таҳдидларини жавобсиз қолдиришмади.

Байден тарафдорлари республикачи номзод ва амалдаги президентни авторитарликда айблади, уни Америка демократиясига таҳдид, деб атади.

– Президентнинг овозларни санаш жараёнини тўхтатишга уриниши ҳақидаги бугунги баёноти ғазабга молик, мисли кўрилмаган ва нотўғри. Бизнинг ад-

вокатларимиз бунга қарши туришга тайёр ва биз ғалаба қозонамиз, – дея Трампга сиртдан жавоб қайтарди Байденнинг штаб-квартираси. Уларга кўра, “Барча бюллетенлар қайта кўриб чиқилмагунча, овозларни санаш жараёни тўхтамайди”.

Мутахассислар янги АҚШ президенти ким бўлиши борасида эҳтимолий вариантларни илгари суришмоқда. Унга кўра:

1. Биз сайловда ким ғолиб чиққанини келаси бир неча кун ичида билиб олишимиз мумкин. Бу энг ҳақиқатга яқин сценарий. Чунки асосий кураш Мичиган, Висконсин ва Пенсилваниядаги почта орқали берилган, аммо ҳалигача саналмаган овозларга кўчди.

2. Жараёнга юристлар аралашishi мумкин. Чунки Доналд Трамп Олий судга мурожаат қилиш билан таҳдид қилди. Бу каби ҳолатда жараён бир неча ҳафтага чўзилиши мумкин.

3. Ноаниқлик тартибсизликларга етаклаши мумкин. Мавҳумлик эса, албатта, мавжуд. Кўплаб америкаликлар ҳам бу ҳақда ўз ташвишларини билдиришган. Аммо жиддий нотинчлик бўлиши-бўлмаслиги ҳақида гапиришга ҳали эрта.

ЖССТ ПАНДЕМИЯНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ ҲАҚИДА ОҒОҲЛАНТИРАДИ

Кейинги бир неча ой ичида коронавирус инфекциясининг бутун дунё бўйлаб тарқалиши билан боғлиқ вазият жуда қийин бўлади, деб оғоҳлантирган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг Россиядаги вакили Мелита Вуйнович. “Жаҳон миқёсида биз пандемиянинг муҳим босқичидамыз, айниқса, Шимолий ярим шарда”, деган у.

Вуйновичнинг таъкидлашича, COVID-19 касаллигига чалинганлар сони ўсишда давом этмоқда, шу билан бирга, касалликдан ўлганлар сони “охирги пайтда нисбатан барқарор бўлиб қолмоқда”. ЖССТ вакили ҳатто COVID-19га қарши вакциналарнинг пайдо бўлиши ва касалликни даволаш воситалари фақатгина бир қатор шартлар бажарилган тақдирда инфекцияни енгишга имкон беради, деб оғоҳлантирган.

Сал олдинроқ ЖССТ раҳбари Тедрос Гебрейесус COVID-19 билан боғлиқ танқидий вазиятни эълон қилган эди. “Бу ҳаракат қилишимиз учун жуда муҳим лаҳза. Барча одамлар умумий мақсад учун бирлашишлари жуда муҳим лаҳза. Кеч бўлмасдан фурсатдан фойдаланишимиз керак”, – деган ЖССТ раҳбари.



БААдан ХИТОЙЛИК МУСУЛМОНЛАРГА СОВҒА

Бирлашган Араб Амирликларининг Хумаид ибн Рашид ан-Нуаймий номидаги Куръони каримга хизмат маркази Ajman China Mall савдо марказига 500 нуска Куръон маъноларининг хитойча таржимасини тақдим этди.

Куръони каримга хизмат маркази раҳбари Хусайн Муҳаммад ал-Ҳаммодий ушбу китобларни Ajman China Mall жамоатчилик билан алоқалар директори Али Янгга топширди. Ал-Ҳаммодийнинг сўзларига кўра, Куръон маъноларининг хитой тилига таржима қилиниши ва унинг БААдаги хитойлик мусулмонларга тарқатилиши уларнинг Куръонни яхшироқ тушунишлари ва исломий бағрикенгликнинг тарқалишига ҳисса қўшади.

Ўз навбатида, Али Янг совға учун миннатдорлик билдирар экан, шундай деди: “Мазкур нусханинг бошқа таржималардан фарқи шуки, маъноларнинг талқини соддалаштирилган, бу эса хитойлик янги мусулмонлар Куръони карим маънолари ва ҳукмларини тушунишда дуч келаётган қийинчиликларни енгишга ёрдам беради”.



Туркия: ҚИДИРУВ-ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Зилзиладан сўнг 17та бино вайрон бўлган Туркиянинг Измир шаҳрида қидирув-қутқарув ишлари ниҳоясига етди, дея хабар берди NTV телеканали.

Таъкидланишича, вайронларни оғир техника ёрдамида тазалаш ишлари бошланди. Сўнгги маълумотларга кўра, зилзила оқибатида 114 киши ҳалок бўлди, 1035 киши жабрланди, улардан 137 нафари шифохоналарда даволанмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 30 октябр кuni кундузи маҳаллий вақт билан соат 13:31 (Тошкент вақти билан 16:31)да Туркиянинг ғарбий қисмидаги Измир вилоятида 6,6 балли зилзила содир бўлди. Бунинг оқибатида баъзи бинолар қулаб тушган. Вайронлар остида кўплаб одамлар қолиб кетган.



ГЕРМАНИЯ “ИРҚ” СЎЗИДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ

Германия Адлия вазирлиги раҳбари Кристин Ламбрехтнинг айтишича, Германия ҳукумати конституциядан “ирқ” сўзини олиб ташлаш тақлифини кўриб чиқади.

Германия Вазирлар Маҳкамаси “инсоният турли хил ирқларга ажратилмаслиги керак”, деган хулосага келган. Шу муносабат билан конституциядан “ирқ” сўзини олиб ташлаб, ўрнига бошқа бир сўз қўллаш тақлифини киритган. Вазирнинг таъкидлашича, асосий қонунга кўра, ҳеч ким ирқига қараб камситилмаслиги лозим.

Ирқ тушунчаси мамлакат конституциясига 1949 йилда қўшилган. Уша пайтда асосий қонун муаллифлари нацистларнинг ирқий мафкурасидан узоқлашишга ҳаракат қилишган, аммо ҳозирги вақтда ушбу атамани ишлатиш чалкашлиқларни келтириб чиқариши мумкин.



Интернет материаллари асосида У. ЙУЛДОШЕВ тайёрлади

14 МУТОЛАА



Агата Кристи
инглиз ёзувчиси



(Детектив) Агата Кристи

Чимматли хоним

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

– Тентак эканман! Ошхона!
– Ошхона, – деб қичқирдим мен. – Аммо бу эҳтимолдан анча йироқ-ку. Хизматкорлар!
– Аниқ шундай. Юзта одамдан тўқсон тўққизтаси шунақа дейди! Худди шу сабаб ҳам ошхона энг идеал жой сифатида танилган. У ер турли ашёларга тўла. Олга босдик, ошхонага!

Мен буткул ишончсизлик, гумонлар ичида унга эргашдим, бу вақт мобайнида эса Пуаронинг нон қўтилари, жўмракли костюллар ичига шўнғиб кетиб, газ духовкаси устига бошини қўйганини кузатиб турдим. Ниҳоят, Пуарога кўз солиб ўтиришдан чарчаб, айланиб кабинетга қайтиб келдим. Ич-ичимдан биз кидираётган сирли нарсани айнан шу ердан, фақат шу жойдан топамиз, деб ишонгандим. Бир оз изладим, соат бу пайтда тўртдан ўттиз дақиқа ўтганини кўрсатиб турарди, демак бу ерга тез орада ёруғ тушади, дедим-да, яна ошхона худудига қайтдим.

Мени буткул ҳайратда қолдиргани, Пуаро ўзининг тоза, ярқироқ костюмини бутунлай хароб қилганча кўмир кўтиси ичида тик турарди. Унинг юзлари буришиб кетганди.

– Қаранг-а, дўстим, кўринишимни расво қилганим билан ички хисларимга бир ечим топгандайман, сиз нима дейсиз?

– Лекин Лавингтон хатни кўмир остига яширмагандир?

– Агар сиз кўзларингизни ишлатсангиз, мен текширган нарса кўмир эмаслигини кўрасиз.

Шундан сўнг мен кўмир бункери орқасида хода, ёғочлар уюб қўйилган шафани кўрдим. Пуаро эпчиллик билан уларни бирин-кетин оларди. Тўсатдан у секингина хитоб қилди:

– Пичогингиз, Гастингс!

Пичокни унга узатдим. Пуаро ёғоч ичига пичокни солганди, хода бирдан иккига ажралди-қолди. Унинг ярми аниқ-равшан очилган, ўртасида эса бир ковак ташқарига кўриниб турарди. Уша ковақдан Пуаро хитойча кичкина ёғоч қўтичани олди.

– Офари! – қичқириб юбордим мен ўзимга келиб.

– Секинроқ, Гастингс! Овозингизни бунчалик юқори кўтарманг. Юринг, ёруғ тушмасдан олдин жўнай қолайлик.

Чўнтагига қўтичани билдирмай жойлаганча, Пуаро кўмир-бункер ичидан энгилгина сақраб чикди, эгни-бошини имкон қадар қоқиб тозаллагач, уйга қандай кирган бўлсак, худди уша йўл билан чиқиб, Лондон йўналиши томон пидеда кетдик.

– Қандай фавкулдада хайрон қоларли жой-а! – хайратимдан довдирлаганча сўз қотдим мен. – Ахир кимдир ходани ишлатиши мумкин эди-ку!

– Йолда-я, Гастингс? Тагин у уюмнинг тагида бўлса – жуда зукко яширин жой. А-ҳа, мана такси! Мана энди ювениш ва мароқли уйку учун уйга кетдик.

Тундаги хурсандчиликдан кейин кеч ухлагандим. Ниҳоят, соат 1.00дан сал аввал кабинетимизга судралиб кириб келсам, креслосига орқасини суяганча, олдига

хитойча қўтини очиб қўйиб, ундан олган хатни осойишта ўқиб ўтирган Пуарони кўриб лол қолдим.

У менга меҳр билан жилмайиб қаради ва ушлаб турган қоғозини тапиллатиб ерга қўйди.

– Лэди Милисент хоним ҳақ экан, герцог ҳаётда унинг бу хатини авф этмаган бўларди! Хат, мен умримда дуч келмаган, ишқа тўла энг ҳалок этувчи жумлалардан иборат экан.

– Мен бўлса, Пуаро, – дедим яхшигина аччиқлианиб – сиз хатни ҳақиқатанам ўқиб чиқсангиз, деб ўйламайман. Бу сиз қўл уришингиз мумкин бўлмаган иш.

– Бу иш Эркул Пуаро томонидан бажариб бўлинди, – деб жавоб берди дўстим оғир-босиқлик билан.

– Яна бир нарса, – деб кўстириб ўтдим. – Кечаги ўйинни тинч уйнаш учун Жепнинг расмий карточкасидан фойдалансангиз, деб ўйламайман.

– Аммо бу ўйин уйнаш эмас эди, Гастингс. Мен жиноий ишни бошқардим.

Мен елкаларимни қисдим. Қуруқ нуқтаи назар билан тортишиб бўлмайди, ахир.

– Зиналарда оёқ товуши эшитилпти, – гапимга нуқта қўйди Пуаро. – Лэди Милисент бўлиши керак.

Пуаро қўлида тутиб турган қўтича ва хатни қуриши билан юзидagi ташвишли ифода хурсандчиликка айланган чимматли мижозимиз кириб келди.

– Оҳ, мсе Пуаро! Қанчалар ажойибсиз-а! Буни қандай қилиб амалга оширддингиз?

– Анча мураккаб усуллар билан, миледи. Аммо жаноб Лавингтон бизни қораламайди. Бу сизнинг хатингиз, шундайми?

Хоним хатга кўз югуртирди.

– Ҳа, вой, сизга қандай қилиб миннатдорлик билдирай! Сиз ажойиб, гаройиб одамсиз! Хат қарерга беркирилган экан?

– Пуаро хонимга гапириб берди.

– Қанчалар зуккосиз-а! Лэди Милисент қўтичани олди. – Мен бунди эсдалик ўрнида сақлаб қўяман.

– Эсдалик сифатида сиз менга уни сақлаб қўйишим учун рухсат берасиз, деб умид қилгандим, миледи.

– Сизга бунданам яхшироқ эсдалик совғасини тўйим кўни жўнатаман, деган ниятдаман. Сиз мени нонқўр деб билмайсиз, мсе Пуаро.

– Ҳар қандай чекдан кўра бу хизматни бажаришингиз мени мамнун қилган бўларди – шундай экан, сиз менга қўтичани сақлаб қўйишга рухсат берасиз.

– Вой, йўқ, мсе Пуаро, мен бунди шунчаки олиб қўймоқчиман, – деб кулиб қичқирди хоним.

У қўлини чўзганди, бироқ Пуаро ундан олдинроқ қўтичани тортиб олди. Кафти билан қўтичанинг оғзини ёпди.

– Уйлайманки, йўқ, – Пуаронинг овози ўзгарганди.

– Нима демоқчисиз? Хонимнинг товуши ҳам таҳдидироқ баянлаётгандай туюлди.

– Ҳар қанақасига ҳам, ишинг моҳиятини чуқурроқ очиб қўришимга йўл берасиз. Пайқадингизми, қўтидаги асл ковак ярмидан қамайтирилган. Тепаси ярим, унда келишув хати; пасти –

У илдамгина имо қилди, сўнгра қўлини узатди. Унинг кафтида тўртта катта ярқироқ тош ва иккита улкан, сутдай оқ дур бор эди.

– Мени тузуккина қизиқтириб қўйгани – бу қимматбаҳо тошлар қайсидир бир кўни Бонд кўчасида ўйрилган, – деб пичирлади Пуаро. – Жеп бизга айтиб берди.

Шу пайт мени тамоман ҳайратда қолдириб, Пуаронинг ётоқхонасидан Жепнинг ўзи чиқиб келди.

– Жеп сизнинг қадрдон дўстингиз, деб ишонман, – деди Пуаро одоб билан Лэди Милисентга.

– Худо жазойингни берсин! – хоним буткул ўзгарган қиёфада жазаваси кўзиди. – Совуқ қари махлуқ! – Лэди Милисент талваса ичида Пуарога қаради.

– Узингни бос, Жерти, азизам, – дея гап бошлади Жеп, – бу сафар уйин тугади, деб ўйлайман. Сени шунчалик қисқа вақт ичида учратаман, деб сира хаёлимга келтирмагандим! Биз сенинг оғайнингини ҳам қўлга олдик, бир кўни бу ерга келиб, ўзини Лавингтон деб таништирган жентлменни. Лавингтоннинг ўзи учун эса номи қалбаки Крокер ёки Рид исмларидир, ақлимни танг қилиб қўйгани шуки, қайси безорилар қайсидир кўни Голландияда унга пичоқ санчишибди? У ўзи билан бирга молларни олиб кетган, деб ўйлардик, шундай эмасми ё?! Лекин у бундай қилмаган экан. У сенинг ишончингни беҳато суистезмол қилди, ўз уйига қимматбаҳо тошларни яширди. Сенинг эса уларни излаб юрган иккита ошанг ҳам бор эди, кейин эса сен бу ерда мсе Пуаронинг топдинг ва бир чимдим ажабланарли омад туфайли бу тошларни топиб берди.


– Сиз шундай гапиршни жудаям хуш кўраркансиз, шекилли, шунақами? – деди анчадан сўнг Лэди Милисент.

– Сизга ҳозир гапириш осон. Мен тинчгина кета қолай. Лекин сиз мени бекаму кўст хоним эмас, деб айта олмайсиз. Ҳаммангизга хайру хўш!

– Туфлилар панд бериб қўйди, – сўз очди Пуаро хаёл билан, ҳамон тилим калимага келмай турган дамда. – Мен сизларнинг инглиз миллатингиз устидан ўз кичик кузатишларини олиб бордим ва инглиз хоними, ҳақиқий тугма хоним ўз туфлиларига ҳаммавақт алоҳида эътибор қаратишини аниқладим. У уладаси чиққан кийимларда юриши мумкиндир, бироқ доимо яхши пойабзал кияди. Мана бу Лэди Милисентнинг эса ҳашаматли, қиммат либослари бор, лекин туфлилари арзон. Бу сиз бўлишингиз мумкин эмас ёки мен ҳақиқий Лэди Милисентни кўрган бўлишим керак; у Лондонда эди, у пайтда жуда кичкина эди, бу қизнинг эса етарли даражада бу ишни қўйиллатиши учун айрим юзаки ўхшашлиги бор, холос. Айтганимдай, менинг шубҳаларимни биринчи бўлиб уйғотган нарса – туфлилар бўлди, кейин эса хонимнинг ҳикояси ва унинг чиммати – булар бари озгина мелодрамали эди, а? Чўққисизда сохта келишув хати бор хитой қўтиси эса барча жиноий гуруҳларга таниқли бўлиши керак, бироқ ёғочлар уюми жаноб Лавингтоннинг кейинроқ ўзи ўйлаб қўйган чўпчи бўлган. Мана энди, Гастингс, умид қиламанки, сиз кеча мени жиноий ишларда билмисиз ва саёб деб айтиганингиздай, тагин кўнглимни жароҳатлабмасиз. Вожаб, одамлар ўзлари йиқилиб тушган тақдирларидаям менга иш топиб беришади-я!

Инглиз тилидан
Қандилат ЮСУПОВА таржимаси

“Шундан сўнг биз бутун бошли жойда узлуксиз қидирувни бошлаб юбордик. Бироқ уйни ағдар-тўнтар қилишнинг бир неча соатларидан кейин бу тинтувимиз бесамар чиқди. Пуаронинг юзида газаб учқунларини пайқадим.”



ЎЗБЕКИСТОНДА КОСМИК АЛОҚА ТИЗИМЛАРИ

**ТАТУ Қарши филиалида Сунъий йўлдош
алоқа тизимлари магистратураси очилади**

Иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун космик технологияларни ривожлантириш асосий телекоммуникация манбааларидан бири ҳисобланади. Космик фаолият ривожланиши мамлакатнинг келажагига жиддий таъсир кўрсатади, сабаби у илмий-техник салоҳиятни, юқори технологиялар ривожини таъминлайди, хавфсизлик ва муҳофаза муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беради.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ва 2019 йил 30 августдаги "Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида"ги фармони ҳам космик фаолиятни ривожлантиришга қаратилган.

"New study program in space systems and communications engineering (SPACECOM)" лойиҳасида айнан космик техника ва технологиялар соҳасидаги дастурларни такомиллаштириш – янгилаш, шунингдек, космик ва алоқа технологиялари билан боғлиқ мавжуд курсларни такомиллаштириш ва замонавий ўқув-услубий қўлланмаларни яратиш асосий мақсад қилиб қўйилган. SPACECOM лойиҳасининг асосий вазифаси сунъий йўлдош технологияси, космик технологиялар ва алоқа тизимлари, шунингдек, сунъий йўлдош алоқасидан фойдала-

ниш соҳасидаги мавжуд дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда модернизация қилишдир.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Қарши филиалининг лойиҳа иштирокчиси сифатида олиб бораётган тарғибот ва ташвиқот ишлари лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини бажаришга қаратилган бўлиб, жумладан, янгиланадиган фанлар ва уларни янгилаш мuddатлари белгиланди. Яъни, радиочастота тизимларининг электромагнит мослиги, электроника ва схема, сигналларни қайта ишлаш тизимлари ҳамда симсиз тармоқлар фанлари бўйича лойиҳага доир қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши белгиланди. Шунингдек, географик ва иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, сунъий йўлдош алоқаси, космик навигация, космик тадқиқотлар олиб бориш, космик технологиялар соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Сунъий йўлдош алоқа тизимлари магистратура мутахассислиги очилиши кўзда тутилган ва бу бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.


Бундан ташқари, филиалда "New study program in space systems and communications engineering (SPACECOM)" лойиҳа бўйича лаборатория хоналари ташкил этилган. Илмий лаборатория жиҳозлари келтирилиши режалаштирилган. Сигналларни қайта ишлаш учун илмий тадқиқот натижаларини син-

тез қилиш масалаларини ечишда амалий жиҳатдан самарали натижалар олиш мумкин. Шунингдек, магистрлар ҳамда тадқиқотчилар илмий изланиш натижаларини амалиётга татбиқ қилиш ва синтез қилиш масалаларида ушбу илмий лабораторияларнинг амалий аҳамияти жуда каттадир. Лойиҳани кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш ва талабаларда лойиҳа юзасидан кўникмалар ҳосил қилиш учун эса талабалар ўртасида сўронома ўтказилди ва бир қанча тарқатма материаллар тайёрланиб, ZOOM платформаси орқали онлайн учрашувлар ўтказилди.

Лойиҳанинг космик тизимлар ва алоқа муҳандислиги соҳасидаги мавжуд ўқув дастурларини модернизациялаш ва қайта тузишга, ушбу соҳадаги янги ютуқлар, янги ўқув дастурларини синаб кўриш ва натижаларни тарқатиш ҳамда режалаштирилган ўқув режаси мазмуни, тузилиши, ўқитиш усуллари ва олий таълимнинг Европада модернизацияси кун тартибда янги ўқув материалларидан фойдаланишга қаратилганлиги ўз ўрнида космик техника ва технологиялар соҳасидаги дастурларни такомиллаштиришга ҳамда янгилашга олиб келади.

Гулрух МЕМОНОВА,
ТАТУ Қарши филиалининг
"Телекоммуникация инжиниринги" кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 49-бандига мувофиқ:

"DA SMS" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш фаолиятига 2018 йил 18 июнда берилган АА серияли 0006509 рақамли;

"DATANET PLUS" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри):

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш фаолиятига 2019 йил 7 июнда берилган АА серияли 0006854 рақамли;

- кўча радиотелефон (ра-

диотелефон, транк) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш фаолиятига 2019 йил 7 июнда берилган АА серияли 0006855 рақамли;

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) фаолиятига 2018 йил 17 декабрда берилган АА серияли 0006632 рақамли;

- кўча радиотелефон (радиотелефон, транк) алоқа тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) фаолиятига 2018 йил 17 декабрда берилган АА серияли 0006633 рақамли;

"EQUANT GLOBAL NETWORK UZBEKISTAN" шўба корхонасига (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш фаолиятига 2016 йил 30 августда берилган АА серияли 0005910 рақамли лицензияларнинг амал қилиши, уларнинг аризаларига асосан 2020 йил 30 октябрдан тугатилди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қуйидаги лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари:
Мобил алоқа технологиялари кафедраси – 1, Мултимедия технологиялари кафедраси – 1

Доцентлар:
Мобил алоқа технологиялари кафедраси – 1, Ахборот технологиялари кафедраси – 1, Чет тиллари кафедраси – 1

Катта ўқитувчилар:
Мобил алоқа технологиялари кафедраси – 1, Электроника ва радиотехника кафедраси – 1, Алгоритмлаш ва математик моделлаштириш кафедраси – 1, Ахборот таълим технологиялари кафедраси – 1, Тизимли ва амалий дастурлаш кафедраси – 1, Ахборот технологиялари кафедраси – 1, Мултимедия технологиялари кафедраси – 1

Ассистентлар:
АКТ соҳасида иқтисодиёт кафедраси – 1, Мобил алоқа технологиялари кафедраси – 1, Информатика асослари кафедраси – 1, Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти кафедраси – 1

Аризалар чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темуր кўчаси, 108 уй. Тел: 71-238-64-06.

ЭЪЛОН!

Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университети томонидан **Назарова Феруза Усмоновна** номига 1997 йил 30 июлда берилган **007681** рақамли Диплом йўқолганлиги сабаб **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси меҳнат фахрийси

Рустам ВАЛИЕВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бир гуруҳ соҳа фахрийлари, дўстлари меҳнат фахрийси

Рустам ВАЛИЕВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК бош директори Муроджон Собировга падари бузруквори


Маҳмуд ота СОБИРОВНИНГ

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

"Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК жамоаси корхона бош директори Муроджон Собировга падари бузруквори

Маҳмуд отанинГ

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.



СМАРТФОН ВА НОУТБУКНИ ТЎҒРИ ҚУВВАТЛАНТИРИНГ

Батарея қувватисиз кучли ноутбук ёки смартфонимиз шунчаки бир уюм темир-терсаққа айланиб қолади. “Қувват тоши”нинг ҳам хизмат қилиш муддати чегараланган бўлади. Вақт ўтиши билан улар қувватдан тез қоладиган, қувват олиш учун кўпроқ вақтни талаб қиладиган бўлади.

Аккумуляторнинг хизмат кўрсатиш вақтини имкон қадар узайтириш учун қурилмадан ўринли фойдаланиш ҳамда уни тўғри қувватлаш керак. Қуйида қурилмани тўғри қувватлаш ҳамда аккумуляторга қаратилган эътибор ҳақида маълумот берамиз.

Литий-ионли батареялар тўғрисида нима биласиз?

Замонавий смартфон, планшет, ноутбук ва бошқа гаджетларга ўрнатилган аккумуляторлар литий-ионли технология асосида ишлаб чиқарилади. Номидан ҳам кўриниб турибдики, уларда ионли литий кимёвий элементидан фойдаланилади.

Аккумулятор қувват олганида зарядланган мусбат ионли литий элементи катод деб номланган электроддан анод номли бошқа электродга батарея элементидаги электролит эритмаси орқали ўтади. Бу эса зид тарзда электронларнинг анодга жам бўлишини таъминлайди. Аккумулятор қувват олаётганида бу ҳолатнинг тескариси содир бўлади. Электронлар эса аккумулятор уланган қурилма фаолияти учун зарур электр қувватига айланади. Аккумулятор таркибидеги анод ҳамда катод элементлари ўртасидаги кимёвий реакция унинг созлиги учун айна муддао. Хусусан, ундаги изоляция атомларнинг юпқа қатлами электродлар самарали ишлашига хизмат қилади. Аксарият аккумуляторлар икки ёки уч йилга етади. Шу боис девайс эскиргани сайин унинг бир маргалик қувват билан ишлаш вақти камайиб кетади. Бу эса “қувват тоши”ни алмаштириш керак дегани.

Сўнги йилларда олимлар литий-ионли батареяларнинг узоғроқ хизмат кўрсатишини, тезроқ қувват олиш ҳамда самарали ишлашини таъминлаш учун зарур янги кимёвий эритма формуласини топишга уриниб келишмоқда. Шунга қарамасдан, литий-ионли батареяларнинг имкониятлари ҳозирча чегараланган.

Мухим қонда!

Ҳўш, литий-ионли батарея узоғроқ ишлаши учун нима қилиш керак? Аккумулятор қувватини охиригача тўлдириб, сўнг уни охиригача қувватсизлантириш ярамайди. Аккумуляторни тез-тез қувватлаб туриш керак. Сабаби бундай ҳолатда у зўриқмасдан ишлайди. Аккумулятор қуввати тугай деганида уни 50 фоизгача тўлдириш керак. Шу билан бирга, ҳар доим ҳам қувватни 100 фоизга тўлдирманг.

Агар аккумулятор қувватга ҳадеб 100 фоизга тўлдирилмаган бўлса, унда гаджетни ўчириб қўйишга одатланг. Бу хавфсизлик учун эмас: литий-ионли аккумуляторлар кетди дегани бўлса, махсус сирт вазиятнинг жиддий тус олишига йўл қўймайди. Бироқ қувватни ҳадеб 100 фоизга тўлдиришнинг бошқа бир муаммоси бор – бу орқали аккумулятор керагидан тез ишдан чиқади. Яъни, даврий ҳаёти шунча тез тугайди.

Тез-тез қувватлаб, аккумулятор қувватини тез тугатиш орқали унинг хизмат кўрсатиш вақтини узайтиришнинг ҳам қондаси бор. Ойида бир марта батарея қувватини 5 фоизгача тушириб ишлатинг. Бундай механизм ноутбук ёки смартфоннинг узоқ ишлашига хизмат қилади. Samsung эса аккумулятор қувватини 20 фоиздан туширмасликни маслаҳат беради.

Умумий тавсиялар

Унутмаслик керакки, литий-ионли батареялар экстремал ҳароратни хуш кўрмайди. Шу боис ҳам телефон ёки ноутбукни исиб кетган автомобил ёхуд жуда совуқ хонада қолдирмаслик керак. Бу ҳолат ҳам аккумуляторнинг тез ишдан чиқишига олиб келади.

Шунингдек, қувватлаш вақтида ҳам смартфоннинг ҳаддан ташқари қизиб кетишига кўз-қулоқ бўлиш зарур. Бундай вазиятда хизмат кўрсатиш маркази экспертлари билан маслаҳатланг. Шу билан бирга, экспертлар қурилмани ишлаб чиқарувчининг ўзига тегишли махсус восита билан қувватлашни маслаҳат беришади. Бу эса қувватлаш вақтида ток ўтказиши турлича бўлган воситалардан аккумуляторни ҳимоя қилиш учун айна муддао.

Агар сиз ноутбук ёки смартфонни узоқ вақт мобайнида асраб қўймоқчи бўлсангиз, гаджет қувватини 50 фоизга тўлдириб қўйишингиз керак. Apple ҳамда бошқа ишлаб чиқарувчилар шундай маслаҳат беришади. Шу билан бирга, девайсни ҳарорат ўртача муҳитда сақланг.

Ҳар бир девайсининг қўлланмасида уни қувватлаш бўйича ҳам тавсиялар бўлади. Шунинг учун, қўлланмани диққат билан ўқинг. Буларга амал қилсангиз, сизнинг телефон ёки ноутбукнингиздаги аккумулятор керагича ишлаб беради.



АГАР СИЗ БИР ДАҚИҚАДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШНИ БИЛМАСАНГИЗ, БИР СОАТ, БИР КУН ВА БУТУН УМРИНГИЗНИ БЕКОРГА САРФЛАЙСИЗ.

А.СОЛЖЕНИЦЫН

ИБРАТ

“...БИЗ ОХИРГИ ВАГОНДАМИЗ!”

Ҳар йили ёзда ота-онаси уни бувисининг ёнига поездда олиб борар ва бир неча кундан кейин яна поездда қайтишарди. Бироз улгайганида бола ота-онасига деди:

– Энди катта бўлдим, бу йил бувимнинг ёнига бир ўзим борсам, бўладими, нима дейсизлар?

Бироз баҳслашишдан кейин ота-онаси баҳамжиҳат фикр билдиришди. Поезд бекатида ўғилларига қўл силтаб, кузатиб, вагон ойнасидан қайта-қайта эҳтиёт бўлишини уқтиришар экан, бола яна ўша гапларни такрорлади:

– Ҳа, биламан, биламан, юз марта айтдингиз...

Поезд ҳаракатланаётганида отаси:

– Ўғлим, мабодо, ўзингни ёлғиз ҳис этсанг, безовталансанг ёхуд кўрсанг, бу сен учун, – деди ва ўғлининг чўнтагига бир нима солди. Ва бола энди бир ўзи жўнаб кетди.

Атрофда бегона одамлар, қоқиниб-суртиниб кулишар, купега кириб-чиқардилар.

Вагон назоратчиси боланинг чиптасига қараб, бир ўзи сафарга чиққанининг сабабини сўраб, савол берди. Кимдир унга ачиниб қаради. Болага имо-ишора қилиб, шивир-шивир қилганлар бўлди. Бола бир-дангина беҳузур бўлди ва ҳар нигоҳдан хотиржамлиги қоча бошлади.

Бошини қўйи солди, ўриндиқнинг бир бурчагига ўтириб қолди ва кўз ёшлари қуйилиб кела бошлади. Шу пайтда отаси чўнтагига бир нарсасолганини эслади. Қўллари титраб кичкина қоғоз парчасини топди ва очди. Қоғозда шундай ёзилганди:

“...Ўғлим, биз онанг билан охириги вагонда кетяпмиз!”

...Болаларнинг учинишига изн беришимиз, уларга ишонч билдиришимиз керак, аммо улар ҳаётга кучоқ очганларигача охириги вагонда бўлишимиз шарт!

Умида АЗИЗ

Совга

– **Дадаси, берган пулларингиздан тежаб-тежаб тугилган кунингизга ажойиб совга олдим.**

– **Қани кўрсат-чи.**

– **Ҳозир кийиб чиқаман...**

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Коммуна ИРИСБЕКОВА, Сарвар БОБОХЎЖАЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Усмоғжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).</p> <p>Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нархда.</p>	<p>МАЌЗИЛИМИЗ:</p> <p>100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй (мулк: Олой бозори).</p> <p>Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31, факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: ШОҲИЛА ИСРОИЛОВА</p>		
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чўқайди</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-1157 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 3956 нуска.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 17.00. Босишга топширилиш вақти — 24.00.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари: Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганчда (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99</p>				